# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

31 (925) сон
23 июль — 29 июль 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat. uz


4



## БЎЛАР ЭЛНИНГ БОЛАСИ БЎЛ!

7

## САВОБ САРОБГА



## АЙЛАНСА...



12

## ТАЪНА ВА ТАВБА

## «ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА»

15






## ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР...

Зиёдулла НОРМУРОДОВ сурат-лавҳаси

## КЕЧА:

➔ Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллиги ҳамда қадим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси Раиси Мигель д' Эското Брокман табрик мактуби йўллади.

➔ Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Боку шаҳрида бўлиб ўтган "Олтин Гран-при" мусобақасининг учинчи-финал босқичида иккита олтин, биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

## БУГУН:

➔ Улкан ғалла хирмони уйган республикамиз ғаллакорлари (6 миллион 610 минг — ҳазилакам рақам эмас!)айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида ўзларининг "Ҳосил байрам"ларини нишонлашмоқда.

## ЭРТАГА:

➔ Ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндалари диққатига! Истиқлолимизнинг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" анъанавий танловига ижодий ишларни қабул қилиш 10 августгача давом этади!

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Хориждан ишлаб қайтаётганлар тиббий кўрикдан ўтиши керак! 2

Сут эмган бола касал бўлмайди 3

Фарғонанинг саёҳатчи аёлларини танийсизми? 5

Теледастурлар 8–10

Дарахт ҳам «қўрқар» экан 11

«Ўгай» сўзини ўчирган аёл 12

Улар учта: мен, сен ва касаллик 13

Баҳодиржон! Яхшиси бола асраб олинг! 14

Фарҳод Мусажон — меҳмонимиз 15

Отасини сўкса... Оллоҳ қаҳрига йўлиқишини англаган ўғил 16


## "ОБУНА — 2010"

*Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми? "Оила ва жамият"ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!*

*Вақтни ғанимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи ғойибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашаётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам "Оила ва жамият" хонадонингизга беминнат ("сотиб олиб ўқирман" деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишаяпти) кириб боришини истасангиз, яхшиси, обуна бўлганингиз минг карра маъқул.*

**ДЕМАК, ОБУНА БОШЛАНДИ!**

# “СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА”: ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ



АНЖУМАН



**➔ Кейинги икки йил ичида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кескин пасайди. Бу эса ҳукуматимиз томонидан соғликни сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини кўрсатади.**

**➔ Агар ҳар бир оила аъзосида тиббий кўрикдан ўтиш кўникмаси шаклланса, қанчалаб хасталикларнинг олди олинган бўларди...**

**➔Кузатувлар шуни кўрсатяптики, 250 000 аёлнинг туғиши мумкин эмас, чунки уларнинг ҳали дунё юзини кўрмаган зурёдлари тақдирини қўяверинг, афсуски, ўзларининг ҳаётлари хавф остида.**

**➔ Мана, қариндошлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида туғилган болаларнинг суратлари, буларни газета, телевидение орқали кўрсатиш керакмикан?**

**➔ Бирорта бола касалхонада ётиб, даволаниб чиққач, яна озгина тоби қочса, шифокорни айблашни биламиз, лекин шу ўсмирни туғма ногирон туғилишига асосий сабабчи бўлган ота-онани нега қораламаймиз?**

**➔ Хорижга пул топиш илинжида кетиб, охир-оқибат турли хил касалликларни орттириб келаётганларни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш керак!**

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, республика Соғликни сақлаш вазирлиги ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ушбу долзарб ва жиддий мавзулар тилга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида АКБАРОВА халқимизнинг маънавий-маърифий маданиятини оширишда, айниқса, оилада эркак ва аёлнинг ўрни, фарзанд тарбияси, шунингдек, “Соғлом она — соғлом бола” Давлат дастурида кўзда тутилган устивор вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг масъулияти ва ўрни ниҳоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Шу билан биргаликда ҳали оила муҳитида, шу жумладан, ота-оналар ҳамда маҳалла-кўй, кенг жамоатчилик орасида соғлом тарбия, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш борасида қилиниши керак бўлган долзарб масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг сўзга чиққан республика Соғликни сақлаш вазири ўринбосари Асомиддин КОМИЛОВ мамлакатимиз миқёсида тиббий маданиятни шакллантириш, аҳоли ўртасида оналар ва болалар саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Шу билан бирга кўргазмали материаллар асосида “Соғлом она — соғлом бола” Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан олиб борилган таҳлилий кузатувларни шарҳлаб берди.

Анжуманда ушбу вазирлик тизимига кирувчи Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси, республика скрининг, репродуктив марказлари томонидан олиб борилган илмий ва амалий таҳлиллар ҳам атрофлича шарҳланди.

Ўз навбатида жонли мулоқот тарзида ўтказилган матбуот анжуманида журналистлар ҳам ўзларини қизиқтирган мавзулар юзасидан саволларга жавоблар олишди.

**(Ўз мухбирларимиз)**




***Адлия вазирлигида***

## ИСТИҚБОЛЛИ ВЕБ-САЙТЛАР

Бундан кўп эмас, ўн йилча аввал “веб-сайт” деган тушунча ҳақида жуда озчилик одамларда тасаввур бор эди. Кейинги беш-олти йил орасида ахборот-коммуникация технологияларининг кундалик ҳаётимизга кириб келиши шу даражада тезлашдики, бугун бу жараёндаги янгиликларни ўзлаштириш осон кечмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айнан шу ҳақда сўз юритилди. Адлия вазири ўринбосари С. Холбоев мамлакатимимз Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони ушбу долзарб вазифани амалга ошириш йўлида ўзига хос дастуриламал бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Энг эътиборли жиҳати, ушбу вазирлик тизимига кирувчи барча муассасаларда расмий веб-сайтлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш ва уларни янада ривожлантириш борасида қатор ишлар қилинган. Шу жумладан, вазирлик, Республика Суд департаменти, Х. Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза маркази ҳамда Андижон, Бухоро, Фарғона вилояти адлия бошқармалари ўзларининг веб-сайтларига эга. Шу боис юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар, хусусий тадбиркор ҳамда ишбилармонлар мазкур веб-сайтларга бемалол кириб, ўз ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишмоқда, керакли ахборотларни олишмоқда.

Матбуот анжуманида вазирликнинг масъул ходимлари, ҳудудий адлия бошқармалари ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Лутфия СУЯРОВА,**
**“Оила ва жамият” мухбири.**

## ХИВАДА БОЛАЛАР БОҒИ

Хоразмга қадам ранжида қилган меҳмон албатта бу кўҳна шаҳарни зиёрат қилади. Лекин бу гўшанинг бир чеккасида собиқ тикувчилик фабрикасига қарашли боғча биноси яроқсиз ҳолатда ётарди. Туман халқ таълими бўлими бу жойни ўз тасарруфига олиб, ҳомийлар ва шу ҳудудга яқин аҳоли кўмагида замонавий боғчага айлантирди. Кўркам боғ, спорт майдончалари, дам олиш павильонларини айтмайсизми?

Хуллас, хивалик болажонлар учун мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида ажойиб байрам совғаси тайёрланди. Ана шу боғчанинг очилиш маросими катта байрамга айланиб кетди. Тадбирда сўзга чиққан Хоразм вилояти ҳокими О.Оллаберганов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи директори В. Пак ва бошқа фахрийлар, маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар эртанги кун эгаларининг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун яратиб берилаётган имконият ва ғамхўрликларни алоҳида эътироф этишди.

* * *

...Шунингдек, мазкур тадбир иштирокчилари шу куни Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйида ҳам яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Яъни ушбу маскан тарбияланувчиларига ҳукуматимиз томонидан ажратилган махсус репережатор енгил автомашинаси ҳам совға қилинди.

**Абдулла САФОЕВ,**
**Хоразм вилояти.**

# ТАЛАБА! ТАЪТИЛ ТАТИЯПТИМИ?

КУЗАТУВ

**Йилнинг уч фаслида ҳам энг асосий вазифаси — ЎҚИШ бўлган ёшлар айни пайтда ўзлари интиқ кутган “олтин” ёз гаштини қандай *с-у-р-и-ш-я-п-т-и* экан-а?**



Ўзим ҳам талаба бўлганман, сўнгги имтиҳонни топширган куниёқ қишлоққа — қадрдонларим бағрига учиб кетардим. Икки-уч кун ўтгач...негадир уйимизгаям сиғмай, нима биландир банд бўлгим келаверарди. Куюнчак онам бўлса “қўй болам, ётиб, мазза қилиб дамингни олгин, сен чарчагансан” дея уйдаги ишларни буюргиси келмасди. Мен эса ҳамма ташвишларни унутиб, томорқамиздаги турфа хил гуллару дарахтларни парваришлагим, ҳув қишлоқ тепасидан сув ҳайдаб келиб, уларни суғоргим келарди. Кетмонни елкамга ташлаб чиқаётсам, отам “э, қўй-е, одамни уялтирма, студент ўғлини кутиб ўтирган экан-да, демасин тағин одамлар” дея койиб берарди. “Нималар деяпсиз, ота, менам шу қишлоқнинг боласиман, ахир. Ҳеч кимдан ортиқча жойим йўқ, ўзи шундоғам зерикиб кетдим, қўйинг, бир пешонам терлаб ишлайин” деб кулиб-кулиб кўчага шошилардим. Ўша бир ярим ой бир ярим кундай ўтиб кетганини сезмай қолардим...

Кеча ўзимдан кичикроқ яъни бугунги “олтин давр” вакиллари бўлмиш йигит-қизлар билан учрашиб қолдим ва биринчи сўраганим “таътилларингиз қандай ўтаяпти?” деган савол бўлди.

**Илҳомали ЁҚУББОЕВ, Тошкент автомобиль йўллари институти талабаси:**

— Шартнома асосида ўқиётганим учун уйдагиларга оғирлик қилмасин деган ниятда шу пулни ишлаб топиш учун Франция элчихонаси ҳузуридаги махсус мактабда ишлаяпман. Ҳарбийда орттирган тажрибаларим асқотяпти. Дам олиш кунлари эса тоғлар бағридаги Сўқоқ қишлоғидаги акамнинг чойхонасида кўмаклашяпман.

Бўш вақт топдим дегунча, китоб ўқияпман. Яқиндагина Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” ини мазза қилиб ўқидим. Бундан ортиқ яна қандай дам олиш мумкин?

**Шаҳноза АРСЛОНҚУЛОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:**

— Таътил зўр ўтаяпти, энг муҳими, ота-онам бағридаман. Ҳеч зерикаётганим йўқ. “Ишлайин, сизларга ёрдамим тегсин” десам, отам «аввал ўқишни тугат, ишлашга ҳали улгурасан», деб кўнмади. Онамга уйда ёрдам бераяпман. Бўш вақтимда маҳалламиз болалари учун чет тилини ўрганиш тўгараги очиб, уларни ўқитаяпман. Насиб этса, янги ўқув йили бошлангунича бемалол эркин гаплаша олиш имконига эга бўлишади.

**ҚУРБОН (фамилияси ва қаерда ўқишини айтгиси келмади):**

— Уйга кетгим келмади. Нима қиламан қишлоққа бориб, ундан кўра шу ерда озроқ “тирикчилигим” бор. Уч-тўрт сўм топаман. Очиғи, ўқишим ўртачароқ. Бир илож қилиб битириб олай. Уйдагилар уйлантирамиз, деб ётишибди. Ҳали ўзимни эплолмайману, энди бир камим келинниям ижарама-ижара судраб юраманми? Бўш вақт қаёқда, эрталаб олтида кетиб, кечаси ўн иккида келаман.

**Самариддин ЭЛМИРЗАЕВ,Тошкент Молия институти ўқитувчиси:**

— Мени қувонтираётган ҳолат, республикамизнинг кўпгина ҳудудларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан талаба-ёшлардан иборат “Бунёдкор” меҳнат отрядлари фаолият кўрсатаяпти. Улар қурилиш иншоотларида, оромгоҳларда, фермер хўжаликларида ва бошқа жойларда қўлларидан келгунича ёрдам беришяпти. Бундай отрядлар бизнинг даргоҳда ҳам тузилган.

Энг ёмони, бекорчихўжа бўлиш, ундайлар қаерга боришни билмайди, безорилик қилади, ўғирликка қўл уради. Оқибатда ота-онасини, қолаверса, ўзи таҳсил кўраётган ўқув юртини обрўсини тўкади.

...Кеча пойтахтга қайтаётган эдим. Маршрут таксида келаётган абитуриентларнинг гапларини эшитиб қолдим:” Менинг акам институтда ўқийди. Уйдан бир сўм ҳам пул олмайди. Кундузи ўқиб, кечаси ишлайди. Ўзини уйланишигаям пул йиғаётганмиш. “Аввал уй оламан, кейин тўй қиламан” дебди онамга. Менам бахтим чопиб ўқишга кирсам, унга ўхшаб ҳеч кимга қарам бўлмайман.” Иккинчиси бўлса унинг тескарисини гапирди:” Йўқ, мен оилада каттасиман. Керак бўлса отам ўқитади. Нима қиламан, ўзимни қийнаб, ёшликда ўйнаб қолиш керак, ошна.”

Улар эртага талаба бўладими ёки йўқми, бу энди илму иқтидорига боғлиқ. Лекин вақт югурик ва ҳеч кимга осмондан бахт ҳам, толе ҳам, керак бўлса омад деганлари ҳам учиб тушмайди. Ҳаммаси ўзимизга, хатти-ҳаракатимизга боғлиқ. Фақат берилган имкониятдан, яратилган шарт-шароитдан қай даражада фойдалана олаяпмиз? Умримизни беҳудага сарфлаб юбормаяпмизми? Негаки бу талабалик деганлари ҳам катта Ҳаёт йўлидаги бир имтиҳон, синов. Ундан муваффақиятли ўта оламизми ё йўқми, у ёғи айнан бугунги кунларнинг ҳар лаҳзасидан оқилона фойдаланишимиз билан боғликдир.

Демак, кимлигимиз ва қаерда ўқишимиздан қатъи назар, талабаликнинг тилло дамларини қадрлайлик.

**Умрзоқ ҚОДИРОВ**

СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

# Меҳр сут билан киради



Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳатто экология, атроф-муҳит зарарли бўлган шароитда ҳам гўдакни она сути билан катта қилиш фойдалироқ экан. ЮНИСЕФ ташкилоти бу борада қатор тадқиқотлар олиб борган. Ифлосланувчи моддалар она сутидан ҳам, сунъий аралашмалардан ҳам топилади. Бироқ она сутида мавжуд бўлган мия, асаб системаси ва бутун организмнинг ривожланиши учун зарур моддалар, ҳатто чақалоқ она қорнида бўлган давридаёқ учраган ифлосланиш таъсирига барҳам берар экан.

**➔ Боласини она сути билан катта қилган аёлларда кўкрак раки хасталигига чалиниш хавфи камроқ бўлар экан.**

**➔ Кўкрак сути билан катта бўлган инсонларда эрта ўлим ҳодисаси 14 фоизга камроқ учрар экан. Она сути билан катта бўлаётган гўдакларнинг камроқ йиғлаши, сунъий озуқа билан озиқланаётган болаларга нисбатан тез ривожланиши ҳам кузатилган.**

**➔ Боланинг ақлий ривожланишига ҳам она сути ижобий таъсир кўрсатади.**

**➔ Она сути турли инфекцияларга қарши курашувчан бўлгани учун боланинг иммун тизими ривожланади ва фарзандда касалликка қарши курашувчанлик юқори бўлади, унинг бола учун афзаллиги қанча юқори бўлса, она учун ҳам худди шундай.**

Албатта, ҳар бир она туғилган гўдагининг соғлом бўлиб вояга етишини истайди. Гарчи бугун она сутининг мўъжизалиги ҳақидаги фикрлар бот-бот тилга олинаётган бўлсада, аммо кўкрак сути билан катта қилиш жараёнидан барча оналар хабардор бўлавермайди. Натижада улар фарзандларини сунъий озиқлантириш йўлига ўтиб олишга мажбур бўлишмоқда.

***Хўш, болани она сути билан катта қилишда нималарга эътибор бериш керак? Сут нега йўқолиб қолади? Эмизишнинг тартиблари қанақа? Шу каби саволлар билан Самарқанд вилоят Репродуктив саломатлик маркази раҳбари Бахтигул АШУРОВАга мурожаат қилдик.***

— Кўпинча оналар "қандай овқатлансам сутим яхши бўлади", деган савол билан мурожаат қилишади, — дейди Бахтигул опа. — Овқат ейиш кўп ҳолларда ҳар бир организмнинг ўзига боғлиқ. Яъни ўзи истамаган овқатни еб, иштаҳаси бўғилса, бу ҳам сут келишига яхши таъсир кўрсатмайди. Тўғри, тўйимли овқатланиш керак, фойдали таомлардан тановвул қилиш шарт. Фақат яхши кайфият ва иштаҳа билан.

Ёки болага сунъий озуқа беришга қизиқиб кўрганлар ҳам кейинчалик боланинг эмишдан бош тортаётганлигини айтиб қолишади. Аввало чақалоқни жиддий сабабларсиз эмизишдан тўхтатмаслик керак. Кейин гўдакка шиша ва сўрғичда эмас, пиёла ёки қошиқчада овқат беришга ҳаракат қилинг.

Эмизиш қоидаларига амал қилиш ҳам муҳим. Ҳозирда барча туғруқхоналарда чақалоқ туғилганданоқ унга она кўкраги тутилмоқда. Айни кунларда она сути бола истаган вақтда берилиши ҳам маслаҳат берилмоқда.

Шунингдек, гўдакка олти ойликкача сув ёки чой берманг. Сутнинг ўзи бола учун етарли ҳисобланади.

Гўдак бир-икки ойлигида сут яхши келади, бола бунга тўяди. Аммо уч ойликдан кейин сут сизнингча камайгандай туюлади. Айнан ана шу пайтда кўп оналар сутим камайди, дея болага қўшимча озуқа беришга ҳаракат қиладилар. Лекин аслида ундай эмас. Бу пайтга келиб гўдакнинг ўзи «меҳнат» қилишига тўғри келади. Агар болани бу пайтда нотўғри тутсангиз, у ўзига етарли бўлган миқдордаги сутни эма олмай йиғлай бошлайди. Болага кўкракни фақат оғзи очиқ ҳолатида бериш лозим, шунингдек, унинг пастки лаби ташқарига бироз букилган бўлиши керак.

Яқиндагина шундай ҳолатга дуч келдим. Биринчи фарзандини катта қилаётган она боласи уч ойлик пайти тўймаётганини, лекин вазни яхши эканини айтиб қолди. Фақат кўп йиғлармиш, сути ҳам аввалгидай тўлиб келмаётганидан нолиб қолди. Бола кунига 10-12 марта таглигини ҳўлласа, демак, гўдак сутга тўйган ҳисобланади. Боланинг йиғиси сабабларини бошқа жойдан қидириш керак бўлади.

Умуман, бола туғилганининг илк ойларида онаси билан бирга бўлиши, меҳрни туйиши жуда муҳим. Кўпинча оналар болам менга жуда ҳам ўрганиб қолмасин, кейин инжиқ бўлиб қолади, деб, болани камроқ кўтарадилар, уни фақат озиқлантириш учун қўлга оладилар. Ахир тўққиз ой она қорнида бўлган болани бирдан ёлғиз (улар учун бу қўрқинчли ёлғизлик) қўйиш уларга таъсир қилади. Яқинда туманлардан бирида бўлиб ўтган семинарлар давомида бир онахон келинининг сути яхши бўлса-да, неварасининг жуда инжиқлигини гапириб қолди. Мутахассислар текширувдан ўтказишди, соғлигидан шикоят йўқ. Бола ҳаддан ортиқ инжиқ. Аммо боланинг онаси ҳали эндигина 17 ёшга тўлган. Яқинларидан унинг ўзини тутишини, болага муносабати ҳақида сўрадик. Келинчак билан суҳбат қурдик. Ҳали ўқишга кирмоқчилигини, турмушга чиққунга қадар ниятлари катта бўлганини айтиб қолди. Тўғри, уни она сифатида айбламоқчи эмасмиз. Аммо ҳар бир инсоннинг руҳияти ўзини қайсидир бир жабҳада маълум қилиб қўяверади-да. Биз билан бўлган руҳшуносларнинг таъкидлашларича, у болага нисбатан ўзини масъулиятли ҳис қилса-да, аммо унга тўла меҳр беролмайди, сабаби, ҳали ўзи айтганидай, унинг интилишлари бўлган, фикрлари бўлак. Яъни болани бир юк сифатида қабул қилган холос. Биз англамаган туйғуларни кўпинча гўдаклар яхшироқ ҳис қилишади ва буни йиғлоқилиги, инжиқлиги ва бошқа хусусиятлар билан намоён қилишади.

Демак, гўдак парваришида биз нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам бунга тайёр бўлишимиз лозим.

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ТАРБИЯ

# ҲАР ДОИМ БОЛАМ ДЕБ ЯШАЙДИ АЁЛ

Тарбиянинг турли усуллари бор. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига эътибор қаратишни, унинг етук инсон бўлишини хоҳлайди. Лекин ота-она билан бирга маҳалла-кўй, ўқув даргоҳлари (мактаб, лицей-коллеж ва х)нинг роли ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Хўш, эртанги кун ворисларининг баркамол бўлиб вояга етишлари учун биз ўз зиммамиздаги масъулиятни қай даражада адо этаяпмиз?

Нега кўча ёки тўй-маросимга кийиб чиққан оҳорли кийимимизга озгина доғ тегса, хижолат бўламизу, мактаб партаси (автобус, поезд ва бошқа жойларни қўяверинг)га исмидан тортиб, кимни яхши кўришигача ўйиб ёзган, чизиб ташлашдан сира-сира тап тортмайдиган болага танбеҳ бермаймиз?

Ёки жуда кўп бора кўрганмиз, болалар мактабга лой, чанг пойафзаллари билан бемалол кириб келаверадилар. Лекин ўз уйларига шундай ҳолатда киришармикан? Кўчаларга сақич, музқаймоқ қоғозларию, бакалашка ва турли идишларни бемалол ташлаб кетаверадилар. Аммо уйларига ташлаб кўрсин-чи, онаси ё отасидан эшитадиганини эшитади.

Маданиятлилик, гўзал хулқ соҳиби бўлишнинг асосий мезони борми? — деган саволни кўп эшитамиз. Унга энг содда ва ҳаққоний жавобини эса халқимизнинг ўзи айтиб қўйган. «Бўлар бола бошидан...», «Бола азиз, одоби ундан азиз», «Бир болага етти маҳалла ота-онадир»... Бу ҳикматли иборалар замирида бир дунё ҳаёт ҳақиқати бор.

...Кеча қўшнимизнинг ўн яшар ўғли бир ўртоғи билан шунақа сўкиниб гаплашяптики, ёзишга уяласан киши. Чидолмадим, қўлидан ушлаб, «жон болам, нега сўкинаяпсан, сени онанг яхши бола деб мақтарди-ку, нима бўлди?» десам, кўзимга тик қараб, «сизга нима, бу менинг ишим, аралашманг, неварангизга гапирасиз», деса бўладими? Аввалига жуда хафа бўлдим. Кейин кузатсам, отаси ҳам худди шундай сўкиниб гаплашар экан. Қуш уясида кўрганини қилаётган экан...

Очиғи, шундай дея ўзимни овутишим ҳам мумкин эди. Аксинча, аввало шу боланинг онаси билан обдон гаплашдим. Ётиғи билан тушунтирдим. Анча мулоҳазали аёл экан. «Отаси эркалатиб юборди жуда, ўзим гаплашаман, опажон, узр», дея хижолат тортди. Икки кундан сўнг кўчадан ўтиб кетаётсам, ҳалиги болакай олдимдан чиқиб қолди. Қўлини кўксига қўйиб «Ассалому алайкум» дея сўрашди. Кўрдингизми, оилада онанинг ўрни қандайлигини?

Шарқда азал-азалдан фарзанд тарбиясида аёлнинг роли ниҳоятда катта бўлган. У оқила уй бекаси, ақлли тарбиячи, ўзининг бор ақл, кучини энг аввало оиласининг тинч-тотувлиги ва болаларнинг соғлом камолга етиш йўлида сарфлашга тайёр турадиган зотдир. Чунки инсон шахсиятини илмдан бошқа нарса тўғри йўлга сололмайди ва тараққиётга ҳам эриштира олмайди. Демоқчиманки, биз бораётган ҳамма йўллар «фарзандларимиз баркамол бўлсин», деган хайрли ният манзилида туташади. Ана ўшанда меҳр ришталари янада бақувват бўлади, оқибат ўлмайди, мурувват кундалик оддий ишимизга айланади.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА,**
**Сирдарё вилояти.**

ОДАМЛАР ОРАСИДА

# АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Зилолани ўзи туғилиб ўсган маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайлашганда у ҳали 30 ёшга ҳам тўлмаган эди. У атрофдагиларнинг ўзига билдирган бу ишончидан довдираб қолмади. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан ўз ирода кучи билан ўтиб келаётган, икки нафар фарзанднинг онаси Зилола Амонова шу ҳудуддаги кекса отахону онахонларнинг маслаҳати ва дуоларини олиб, иш бошлади. У бошқараётган Памўза маҳалласи — бугун Ғиждувон туманидаги ҳар томонлама ибратли ва обод маҳаллалар сирасига киради...

Шундоққина Ғиждувон бозорининг атрофида жойлашган Памўза – Оқ олтин, Навбаҳор, Б.Нақшбандий кўчаларини ўз ичига олган катта ҳудуд. Бу маҳаллада тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу дегани шунча одамнинг дардига бирдай шерик бўлиш билан баробар. Зилола бу борада ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмади. Чунки у ўз маҳалласи кишиларини беш бармоғидек яхши биларди.

Унинг дастлабки хайрли иши шу маҳалла ҳудудида анча йиллардан бери каровсиз ётган Хўжа Дусавра қабристонини ободонлаштириш билан боғлиқ бўлди. Бу ишга маҳалла фаоллари-ю, тадбиркорларни ҳам жалб этди. Натижада қабристон атрофи пишиқ ғиштли девор билан ўралиб, ичкарисида кичикроқ масжид биноси қад ростлади. Мевали ва манзарали дарахтлар, атиргул кўчатлари ўтқазилди.

Зилола ҳудуддаги нотинч оилаларни яқиндан ўрганиб, ажралиш остонасига бориб қолганларини яраштиришга, келишмовчиликнинг сабабларини ўрганиб, бартараф этишга, болалар тирик етим бўлиб қолмасликларининг олдини олиш учун ҳаракат қилади. Тарбияси оғир болалар билан ўзи шахсан суҳбатлар ўтказиб, уларни доимий назорат қилиб туради.

— Зилолахон жуда кучли руҳшунос. У оиланинг муқаддаслигини сақлаб қолиш учун ноанъанавий йўл тутади. Ҳар хил чораларни қўллаб, ўнлаб оилаларни яраштириб қўйганига гувоҳ бўлганман, — **дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Болтаева.** — У ўз ҳудудидаги қизлар тарбияси, кийиниши-ю, ҳатто нима иш билан шуғулланишини ҳам назорат остига олган.



Маҳалла фаолиятини ўрганаётганимизда, уруш ва меҳнат фахрийси, пиру бадавлат отахон Мўйин Қудратов билан суҳбатлашиб қолдик.

— Зилола қизим бундан 3-4 йил олдин яна бир савоб ишни амалга оширган эди. У маҳалламизда яшайдиган кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиб берди. Албатта, унга маҳалла-кўй ва Зилоланинг оила аъзолари яқиндан кўмак беришди. Бундан ташқари яна икки марта кам таъминланган оила ўғлонларининг суннат тўйларини ҳам бирлашиб ўтказдик...

Юқорида айтганимиздек, Зилола Амонова ўз фаолиятини тўғри йўналтиришда доимо катта ҳаётий тажрибага эга бўлган пиру бадавлат отахону онахонлар ёрдамига таянади. Муҳаббат Ҳамидова, Зиёда Мансурова, Нишон Аслонов, Шамсия Ғаниева каби онахонлар унинг ёнида туриб, ўз маслаҳатларини аямайдилар.

— Мен ишлаш учун ўзимда куч ва таскинни шу маҳалладошларимдан оламан. Қолаверса, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гуландом Жумаева, котиба Гулбаҳор Фатуллаевалар менинг ишончли суянчиқларим, — дейди Зилола.

Маҳалладошларидан ҳам йиғин раиси, ҳам туман кенгаши депутати сифатида ўз ёрдамини аямайдиган камтар раиса халқимизнинг «Ақл ёшда эмас, бошда» деган пурҳикмат сўзлари нақадар тўғрилигини ҳаётда исботлаётганлардан бири.

**Моҳигул НАЗАРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# БЎЛАР ЭЛНИНГ БОЛАСИ БЎЛ!









НИГОҲ

## КАТТАЛАШАЁТГАН ЭҲТИЁЖ

Дам олиш куни эрталаб бозорга автобусда кетаётгандим. Ҳамма ўз ташвиши билан овора. Биров касалхонага, бошқаси меҳмонга, яна кимдир тирикчилик учун йўлга чиққан. Энг қизиғи, шу кичкина автобусда турли хил тоифа, қаращдаги одамларни кўрасиз. Беихтиёр икки аёлнинг гапи қулоққа чалинади:

— Манзурахон, кеча пенсия олувдим, бир бозорга тушиб йўқотдим-а. Олма арзон, тарвуз қимматроқ эканми?

Иккинчи аёл ҳамроҳининг гапини тасдиқлаганча:

— Нимасини айтасиз, бу пул ўлгур сувдай кетади. Етказолмаяпман, — деб қўйди.

Орадан уч бекатча масофадан сўнг ҳозиргина нолиб турган аёллар гурунгини эшитиб... ёқамни ушладим! Бири неварасининг чет элдан ўқишдан қайтаётганини, яна бири қизининг тўйига фалон пулга хориж мебелини олиб узатаётганини фахрланиб гапирди. Секин иккаласининг ҳам кийимбоши, зеру забарларини кузатаман. Аёлман-да, қўлида қўша-қўша тилла узук, бўйнида ҳам қалин занжир ва қулоғида ҳам албатта тилла зирак...

Ана энди тўхтанг! Агар улар тиллаларидагина нолиганидек, рўзғор тебратиш, бола-чақа боқиш қийин бўлса, фарзандлари қайси пулга чет элларда таҳсил олишаяпти? Ёки бўлмаса, оддийроғига ҳам қаноат қилмай, қизларига энг сўнгги урфда хорижда ишлаб чиқарилган мебелларни сотиб олишга қурблари қандай етаётган экан?

Бир муаллима қўшним бор. Баъзан «ойлигим кам, қарзга ботиб кетяпман», дея зорланиб қолади. Лекин ҳар ҳафта кўраман, қўлида каттакон тоғора бирорбир қариндош ё танишининг тўймаъракасига кетаётган бўлади. Устидаги кийимлариям чаккимас. Бир куни қизиқиб сўрадим:

— Ҳар сафар тоғорага қанча пуллик нарса оласиз?

— Э, сиз сўраманг, бормасам бўлмайдиган жой. Чунки улар ҳам менинг тўйларимда қилишган-да, энди қайтариш керак. Ҳар гал одамига қараб, 5 мингдан 20 минг сўмгача тоғора тўлдираман.

Оддий математик ҳисобни чиқараверинг: Демак, қўшним тўй мавсуми бошланди, дегунча беш-олти марта тоғора тўлдирса, ҳазилакам пул сарфланмайди-ку! У шунча маблағни қаердан топаяпти? Ҳойнаҳой осмондан тушмаётгандир?

Бозорга жуда эрта келган бўлсам-да, расталар тўла, ичкари ҳалитдан ғала-ғовур—одам кўплигидан юриб бўлмасди. Буюм бозорини айланиб юриб, бир жойда тўхтадим. Сотувчининг ёнида икки харидор аёл ўзаро гаплашишарди:

— Бу кўйлакни никоҳда кияман, чарларига ҳам нимадир олишим керак, одамлар айтмайдими, келиннинг холасида шу битта кўйлакдан бошқа нарса йўқ экан-да деб...

Яна беихтиёр савол туғилади: Хўш, айрим узоқни кўролмаётган, тили бошқа, дили бошқалар ёзғираётганидек, яшашимиз, турмуш даражамизда қийинчиликлар учраётган бўлса, биз — аёллар ҳар бир тўйга нечта кўйлак олар эдик? Йўқ, азизлар бизнинг ҳаётимизда етишмовчилик муаммо эмас, балки эҳтиёжларимизнинг каттариб кетаётгани муаммо эмасмикан? Улар шу даражада чексизки... «Олтин оҳу» мултфильмидаги бойдек борига қаноат қилмасдан бойликка бўғзимизгача ботиб яшасак, оҳудан «яна-яна» деб тилла сўрасак деймиз.

...Қўшниларимдан бири гаражига беш-олти сумкага тиқиб жойланган кийим-пойафзалларни ташиётганига гувоҳ бўлдим. Ўзи гапириб қолди:

— Уй тозалагандим, икки қоп кийимни лўлига бериб юбордим. Ҳаммаси бус-бутун. Қариндошларимга берай десам, улар биздан яхши кийинишади. Ҳатто кичкина қизим опасига торлик қилиб қолган кийимни кийгиси келмайди-я! Катта қизимнинг ўтган йилги пальтоси ҳали яп-янги. Лекин у «бошқасини олиб берасиз», деяпти. Нима эмиш, опаси кийган пальтони бошқалар кўриб бўлганмиш. Энди кийса «опасининг эскисини кийибди», деб устидан кулишармиш.

80-90 йилларни эслайлик: ўқувчилигимизда мактабни битиргунимизча атиги икки ё уч мартагина мактаб папкаси олардик. Кийим-бош ҳам худди шундай. Ҳатто тирсакларимиз ишқаланиб йиртилгач, ямоқ солиб беришса ҳам ғинг демай кийиб кетаверардик. Сумкаларимизни-ку, айтмасам бўлади, қайта-қайта тикилаверганидан бутун жойи қолмасди.

Эҳтиёжларимиз ҳам ўша замонга мос, яъни у қадар катта эмас эди. Ҳозиргидек у пайтлар одамлар уйини тез-тез алмаштириш ёки таъмирлаш ҳақида қайғурмас, дабдабали, данғиллама тўй-маросим, уй-жой қилишга имкони етмасди. Тўғриси, ҳар ким замонага қараб «тўн бичарди». Агар сал бойиб кетгудек бўлса борми, эртасига сўроқ-саволлар бошланарди. Ўша вақтларда ҳеч ким эркин ҳаракат қилолмас, иқтидор ва тадбиркорлик билан бойишга йўл берилмасди. Демак, ҳар биримиз бугунги яратилган кенг имкониятларнинг қадрига етмоғимиз керак. Албатта, ҳамманинг яшашга, орзу-ҳавас қилишга ҳаққи бор. Фақат орқа-олдига қарамасдан «ким ўзар»га пул сарфлаш, кийим кийиш, еб-ичиш— исрофгарчилик эвазига эмас.

## БОЛАЛАРИ БАХТИЁР ЮРТ БУ

...Кир-чир бўздан иштон-кўйлак кийган болакай ковушини тупроққа тўлдириб арава ҳайдаяпти. Ўйин орасида у қуёшнинг чизиққа етган-етмаганига қарабқараб қўяди. Уни арава ҳайдашдан ҳам кўра қуёшнинг сояси чизиққа етган-етмагани кўпроқ қизиқтирарди. Бирпасдан сўнг болакай ирғишлаб қийқиради:

— Ойижон, қуёшнинг сояси чизиққа етди, энди нон беринг, энди нон беринг...

Бу ҳозир бобога айланган уруш боласи—отамнинг эртакларидан бири. Отамнинг «эртак»лари шунчалар кўп, шунчалар маҳзунки.. уларни эшитганинг сайин бугунги дориломон замонанинг ҳар дақиқа-лаҳзасига шукроналар айтгинг келади.

***— Мактабда ўқишга иштиёқим баландлигидан китоб-дафтар ҳам йўқлигига қарамай барибир ўқигим келарди,*** *— деб эслайди отам ўз болалигини.* ***— Булар мен учун муаммо эмас, муаммо қирчиллама қиш кунлари мактабга оёғимга кийишга ҳеч нарсанинг йўқлиги эди. Ўзимдан уч ёш катта акамда калиш бўлиб, уни иккаламиз навбати билан киярдик. Яъни калишни ким кийса, ўша яланғоёқ қолганни кўтариб олиши керак эди. Биз навбати билан мактаб жилдимизни олдинга қараб ирғитардик, сўнгра у тушган жойгача бир-биримизни кўтариб етиб борардик...***

Ҳа, бу энди 50-60 йил бурунги, уруш вақтидаги гаплар, ўша пайтлари ҳамма қийналган дейишингиз ҳам мумкин. Лекин кўзингизни каттароқ очиб, ўзимиз яшаётган бу оламда дунёнинг қай бир бурчагида болалиги қайғули эртакка ўхшайдиган, ўша эртак қаҳрамонларига айланган минг-минглаб болалар ҳозир ҳам йўқ эмас. Сизу биз уларнинг қандай қийин шароитларда яшаётганини ҳис қилолмаймиз. Тўғри-да, фарзандларимиз энг замонавий боғча ёки мактаб, таълим муассасаларида ўқиётган, келажаги учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган бир пайтда қаердадир нонга зор, оч-юпун болалар ҳам борлигини тасаввуримизга сиғдириб кўрайлик. Ўша ўлкалардаги болалар эрталаб бир бурда нон татимоқ умидида кўзларини мўлтиллатиб турганида бизнинг ўғил-қизларимиз олдида уйиб қўйилган ноз-неъматларга ҳам қарамай «иштаҳам йўқ», деб инжиқлик қилаётган бўлса, не ажаб. Камига эса эрталаб «яхши овқатланмадинг-а», деб папкасини ширинликларга тўлдирамиз, чўнтагига пул тиқамиз. Маълумотларга қараганда, сайёрамизда очликни бошидан кечираётган 800 миллион одамнинг келажаги хавф остида қолиб, очарчилик гирдобига тушаётганлар сони айни дамдаги кўрсаткичдан бир неча баробарига ошиб кетиши муқаррар экан. Ачинарлиси шундаки, тўйиб овқат емаётганларнинг аксарият қисмини гўдаклар ташкил этади...

Мактаб бозорида айланиб юрарканман, энди она-боланинг суҳбати қулоғимга чалинади.

—Ойижон, сумка олиб беринг, — дейди 10-12 ёшли қизалоқ.

— Ўтган йилгиси бус-бутунку, болам?

— Йўқ, менга янги чиққанидан олиб берасиз, дедимми, вассалом...

Она-бола сумка танлаётганида мен улардан узоқлашдим...

Айни пайтда дунёнинг қай бир ерида қорнини ҳа, ҳа фақатгина қорнини тўйдириш илинжида балоғатга етмаган болалар тинка-мадори қуриб оғир меҳнат қилишмоқда. Таҳлилларда шуни англаш мумкинки, хорижий мамлакатларда ўзини ва оиласини боқиш учун 250 миллион ёш бола меҳнат қилмоқда. Улар ўз қорнини тўйдириш учун ҳар қандай оғир меҳнатни қилишга-да тайёр. Бизнинг юртимизда эса болаларни ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Истиқлол йилларида ушбу соҳада болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи мукаммал қонунчилик асослари яратилди.

## АРЗОН НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИ

Бозор расталаридаги бўрсилдоқ, қип-қизил, турли-туман нонларни кўриб, барибир жаннатмонанд юртимизнинг ободлиги, фаровонлигию дастурхонимиз тўкинлигига шукроналар келтирмоғимиз шарт. Ҳозирги кунда нон ҳамма маҳсулотлардан ҳам кўп ва анча арзон баҳодаги неъматлардан бири ҳисобланади.

Бозордан уйга қайтарканман, қўшнимизнинг сутчи хотинга бир сумка қотган нонларни узатаётганига кўзим тушди. Ота-боболаримиз ноннинг ушоғини кўзига суртишган. Аммо ноннинг ушоғини қадрлаш ўрнига ҳатто катта-катта бўлакларини-да ташлаб юбораётганимиз ҳам бор гап. Мутахассисларнинг фикрича, тўрт жондан иборат оила ҳар куни фақатгина ноннинг ўзидан 200 грамм исроф қиладиган бўлса, бир йилда ташлаб юбориладиган нон 72 килограммни ташкил этаркан...

Халқимизда йил — ўн икки ой байрам, тўй. Айниқса ҳайитларда тоғора-тоғора қилинган пишириқларнинг, тўйлардаги, ошхоналардаги нонларнинг ҳам баъзан исроф бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай пайтда отамнинг яна бир «эртаги» ёдимга тушади.

***«Болалигимда тўйларга ўйин-кулгу учун эмас, бир бурда нон илинжида борар эдим. Ана шундай тўйларнинг бирида қўшни аёл менга кулчадан сал каттароқ нон узатди. Бундай ҳадядан қувониб, нонни қўйнимга солдиму уйга — онамнинг олдига югурдим. Суюнганимдан рўпарамда келаётган от-аравани кўрмай қолибман. Шитоб билан келаётган арава мени уриб юборибди-ю ҳушимдан кетибман. Бечора аравакаш турғизишга уринаркан, мен тупроқни чангаллаганча, оёқларимни типирчилатаётганимни кўриб, ранги оқариб, қўрқиб кетибди. Шоша-пиша қўлимни қўйнимга тиқдим. Хайрият ноним турган экан. Ҳеч нарса бўлмагандек ўрнимдан турдиму чопиб кетдим. Аравакаш менинг бу қилиғимга тушунмай, анграйганча ортимдан қараб қолганди ўшанда...***

Ҳозир-чи? Шундай оилалар борки, кеча олиб келинган нонни суви қочган деб, эрталаб яна янгисига боласини югуртиради. Метрини фалон пулга олган қимматбаҳо кўйлагимизни урфдан қолса ҳам ташлаб юборишга кўзимиз қиймайди, лекин нон энг арзон неъмат бўлгани учун тўйларда исроф бўлаётганига ичимиз ачимайди. Ахир тўкинчилик, тўқчилик дегани эҳтиёжларимизнинг, демакки, нафсимизнинг катталашгани, ҳақалак отиши дегани эмас-ку?!

Демак, дунёга очиқ кўз билан қарайлик. Шу Ватан, шу юрт, муборак замин ўзимизники. Унинг тупроғини, чангу гардини кўзларига тўтиё айламоққа зор бўлганлар қанча. Суюкли шоиримиз Муҳаммад Юсуф ёниб куйлаганидек:

***Бўлар элнинг болалари бир-бирин дер,***
***Бўлмас элнинг болалари бир-бирин ер.***
***Бир бўл энди, қадри баланд қаддингни кер,***
***Халқ бўл, элим, халқ бўл, элим, халқ бўл, элим!..***

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# ФАРҒОНАНИНГ САЁҲАТЧИ АЁЛЛАРИ



✓ ЮРГАН ДАРЁ

— Биз Ўзбекистонимизни яхши биламиз! — дейишади Фарғона вилоятининг Қува туманидаги Михчагар, Лайлак уя, Сўфи қишлоқларида яшаётган аёллар. — Бепоён юртимизнинг ярмидан кўпини айланиб чиқиб, кўнглимиз кундай ёришди. Президентимизнинг ободончиликка, йўлларни созлашга, айниқса, ўтган улуғларимизнинг хотирасини эъзозлашга катта аҳамият бераётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Вилоятлардаги яхши ишларни қишлоқларимизда жорий этаяпмиз. Бундай саёҳатларни уюштиришга бош-қош бўлаётган Кароматхонга раҳмат!

Кароматхон ким деб ўйларсиз? У ҳақда сўзни мухтасар қиламиз. Кароматхон Ҳожиматова мактабда кўп йиллар ўқитувчилик қилиб, ёш авлодга сидқидилдан таълим-тарбия берди. Кейин раҳбарлик ишларида танилди. Пенсияга чиқишига тўрт-беш ой қолганида қайнонаси Зулфия хола бетоб бўлиб қолди.

— Онажон, ишимни йиғиштириб сизга қарайман, — деди у. — Сиз туфайли ҳеч нарсадан қийналмай ишладим, обрў топдим. Беш фарзандимни мен билан баробар катта қилишга ёрдамлашдингиз. Ўзимга ҳаёт дарсини, турмуш сабоғини ўргатдингиз...

— Айланай сиздан-а, илоҳим умрингиздан барака топинг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, болам.

Зулфия хола 2002 йилнинг 21 март — Наврўз байрами тонгида 94 ёшида оламдан ўтди...

— Сиздан, ўғилларимдан мингдан-минг розиман! — деган эди Зулфия хола. — Фақат биттагина илтимосим бор. Мендан кейин аза тутиб, кўзёш тўкиб ўтирманг. Йўл юринг! Юрт кўринг. Мен етолмаган Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилинг. Мен ул зот ҳикматларини ўқий-ўқий бир умр қаддимни тик тутиб яшадим. Ҳаёт синовларида эгилмадим...

Кароматхон ўша йилиёқ қўшни давлатга зиёрат қилиш учун йўлга отланди. Дугоналари тадбиркор Мунавварxон, кутубхона мудири Муҳаббатхон, пиллакор Комила, деҳқон Малика-ю, чеварлар Инобатхон, Рисолатой, чорвадор Хосиятхону тижоратчи Турдихонлар унга ҳамроҳ бўлишди.

Йўл юриш, юрт кўриш завқ-шавқига нима етсин-а?! Яссавий ҳазратларининг мустақиллик йилларида барпо этилган маҳобатли мақбараси, бир гектарлик атиргуллар чамани, етти хил металлдан ясалган етти тонналик қирқ қулоқли қозон мўъжизаси, айниқса, чет элдан келган сайёҳлар ҳайратли ҳикоялари уларни лол қолдирди. Кўнгиллари юмшаб, қалблари нурга тўлиб қайтишди.

Қувага келишгач, уларнинг суҳбатларига қизиққанлар кўп бўлди. Бу аёлларнинг юрагига юрт ишқи тушди. Кейинги йили 10 сентябрда қадим Бухорои шарифга отланишди. Уч кун шаҳарни, унинг тарихий обидаларини томоша қилишди.

Сўнг Самарқандга йўл олишди. Энди уларнинг сафига яна бир неча аёл қўшилди.

— Қувадан бошқа жойни билмай юрган эканмиз-да, — дейди Давлатхон. — Юртимиз кенг, гўзал, жуда мафтункор экан. Буюк боболаримиздан қолган мeросларнинг эса баҳоси йўқ. Жаҳонни мафтун қилган Улуғбек мадрасаси, Гўри Амир мақбараси, Ал-Бухорий мажмуини шошилмай, ички ғурур ва ташналик билан зиёрат қилдик...

Навбатдаги саёҳат Тошкент шаҳрига уюштирилди. Пойтахтда қувалик аёллар Темурийлар тарихи давлат музейини, Мустақиллик ва Хотира майдонлари, Тошкент Ислом Университети, Чиғатой қабристони, Қўйлиқ ота ва Занги ота зиёратгоҳлари, Телеминора ва бошқа диққатга сазовор жойларни икки-уч кун давомида обдон томоша қилганликларини ҳайрат ила таърифлайдилар...

2007 йилнинг 10 сентябрида эса 16 нафар аёл мамлакатимиз шимолига отланишганда ҳамманинг ҳаваси келди.

— Йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб, аввало Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманига бориб, улуғ авлиё Султон Увайс қабрларини зиёрат қилдик. Кейин кўҳна Хоразмга — Хивага ўтдик. 26 гектарлик Ичон-Қалъани ҳайрат ила айландик, — дейди Каромат опа.

— Раҳмат, аяжонлар! — дейишди уларга ҳамроҳлик қилган ҳайдовчилар Лутфулло, Қаҳрамон, Илҳомжон... — шунча йил йўл юриб, юртимиз чиройини, кенглигини, бойлигини бунчалик тасаввур қилмагандик. Кўнглимиз, кўзимиз яйради. Ақлимиз анча тиниқлашди. Ўзбекистон фарзанди эканимиздан фахрландик...

— Бундай саёҳатлар, дейлик, сизларга катта завқ-шавқ бергандир. Юртимиз тарихи, географияси ва бугунидан озми-кўпми хабардор бўлдингизлар. Яна қандай руҳий мададлар олдингиз, Кароматхон? — дея сўрайман суҳбатдошимдан.

— Ҳамроҳларимга авваллари қаерга борсак! «Ҳай, барака топгурлар китоб олинглар!», деб айтардим. Кейинчалик улар ўзлари билиб, қизиқиб, китоб харид қиладиган бўлишди. Китобнинг энг яқин дўст, ҳамдард эканини англашди. Энг муҳими, юртимизда, ҳаётимизда бўлаётган бекиёс ўзгаришларнинг моҳиятини ҳис қилишди. Айниқса, саёҳату зиёратга чиққанингдан кейин ўз уйингни, маҳалла қишлоғингни қаттиқ соғинар экансан, киши. Сафар давомида ҳар хил қизиқ воқеалар ҳам бўлди. Қизилқум саҳроларидан, баланд-паст йўллардан юрдик. Гоҳ адашиб ортиқча йўл босдик. Лекин кайфиятимиз зўр эди. Ва биз, албатта, борган жойларимиздан дўстлар орттирдик. Кўп яхши одамларни кўриб, бир-биримизга меҳр-оқибатимиз янада ошди. Насиб этса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» да яна 10 сентябрь куни «Меҳр-оқибат булоғи» деб ном олган Сурхон воҳасига бориш ниятидамиз!

— Э, қойил! Лекин йўл узоқ! Чарчаб қолмайсизларми? — дейман Кароматхонга.

— Агар кишининг нияти пок, юрагида чинакам хоҳиш бўлса, ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди, чарчоқни енгади. Бизда зеби-зийнатга, ялтироқ кийимга, дабдабали тўйлар ўтказишга ўчлик йўқ. Раҳматлик қайнонам айтганларидек, саёҳатга ҳавас бор, холос. Энг муҳими, ҳаво алмаштирамиз. Бу соғлиққа фойда. Ҳар бир шаҳар, қишлоқларнинг турмуш тарзини, қадриятларини ўрганамиз. Бирини кўриб фикр, мингини кўриб шукр қиламиз. Бу билганларимиз, фарзандларимиз тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатаяпти. Шерикларимнинг оилалари ибратли, фарзандлари тарбияли, касбкорли. Уй-жойлари ҳам чиройли. Қўйди-чиқдилар йўқ. Аҳмад Яссавий айтганларидек, биз нодонлигу ғофилликни, молпарастлигу жоҳилликни... юракдан қувдик. Бошқаларга ҳам шуни сингдираяпмиз...

Дарҳақиқат, Михчагар маҳалласи қўмита раиси Султонпошша Меҳмонова ҳамда маслаҳатчи Анора Солиеванинг айтишича, Кароматхон уларнинг ўнг қўли. Маҳалла аҳлини йўлга солишда, қадриятларни эъзозлашда, ортиқча харажатларнинг олдини олишда ҳам сўзи ўтадиган аёл. Унинг оиласи ҳам маҳаллага ибрат. Салим ака тадбиркор, қиз-ўғиллари, келинлари меҳнатсевар, аҳил.

Хуллас, мен бу фидойи, жаҳонгашта аёлларнинг кўрганлари, юрган йўллари-ю айрим фазилатлари ҳақида мухтасаргина ҳикоя қилдим холос. Улар ўз қишлоқларининг юзи-кўзи, обрў-эътибори ва айтар сўзидир!

**Санъат МАҲМУДОВА,**
**журналист**

# РАСМАН ТАЪТИЛДАМИЗ, ҚАЛБАН ЭСА...

✓ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ



Инсон камолоти унинг ёши, сочларига тушган оқ, пешонасидаги ажин-чизиқлар билан эмас, ақл заковати, маърифати, илми ва маданияти билан ўлчанади. Шунинг учун мактаб дунёдаги энг улуғ даргоҳ сифатида ҳамиша улуғланган. Зеро, бу маскан ҳар бир инсон учун ниҳоятда қадрдон.

Эсланг, бундан ўн беш-йигирма йил аввал мактабларимиз қай даражада эди? Қишлоқ жойларини қўяверинг, ҳатто шаҳар марказларидаги илм даргоҳлари хароба аҳволда бўлиб, юрак ҳовучлаб дарс ўтардик. Энди-чи? Айниқса республикамиз мустақилликка эришгандан кейин мактабларга бўлган эътибор янада кучайди. Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий Давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, мактабларнинг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфаси, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар тубдан ўзгарганлиги ҳаммага маълум.

Мен ўзим яшаётган Қўқон шаҳри мисолида айтадиган бўлсам, уч-тўрт йил ичида 41 та мактабнинг 35 таси бугунги кун замон талабларига мос равишда қайта таъмирланиб, кўзни қувонтирадиган даргоҳларга айланди. Ана шуларнинг 14 таси реконструкция қилинган бўлса, бешта мактабда жорий, 16 тасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Айни кунларда эса иккита мактаб реконструкция, учтаси капитал таъмирланмоқда. Улар орасида бизнинг 14-умумий ўрта таълим мактабимизнинг ҳам борлиги бутун жамоамизни, мактабимиз жойлашган маҳалла аҳлини беҳад қувонтираяпти. Чунки мактабимиз қурилганига анча йиллар бўлганлиги боис жиддий таъмирланишга муҳтож бўлиб қолган эди. Энг аввало, Президентимизга, ҳукуматимизга, қолаверса, қўли гул қурувчи бунёдкорларга раҳмат! Насиб қилса, янги ўқув йилини янги мактабда бошлашга ҳозирлик кўраяпмиз.

Ўқитувчиларимиз 55 нафарни ташкил этади. Шундан 5 нафари олий, 8 нафари биринчи тоифали ўқитувчилардир. 2008-2009 ўқув йилида ўртача билим сифати 74,3, самарадорлик эса ўртача 83,7 фоизни ташкил этди. Бу ёмон натижа эмас, албатта. Мураббийларимиз ёшларга замон талаблари даражасида билим беришга астойдил ҳаракат қилиб, бор имкониятлардан фойдаланишга интилишмоқда.

Янги ўқув йилидаги режаларимиз эса янада катта. Бу йил 7 нафар ўқитувчимиз малака ошириш курсларидан ўтиши белгиланган. Унга кўра ҳар бир муаллимнинг ўтиш графиги тузилиб, малака ошириш курсларида ўз вақтида ўқиб, кейинчалик таълим жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланишлари, бошқа ҳамкасбларига ўрганиб келган тажрибаларини ўргатиб боришлари бўйича назорат ўрнатилган. Вилоят халқ таълими бошқармасининг услубий тавсияномалари асосида иш юритиш ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, изланиши ҳамда касбий дунёқарашларини кенгайтиришларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тўғри, ҳозир мамлакатимизнинг барча мактабларида таътил мавсуми давом этяпти. Ўқувчиларимизнинг маълум қисми дам олиш оромгоҳларида, айримлари ота-оналари ёнида. Лекин... ўқитувчи, муаллимларнинг кўнгли мактабда. Расман таътилга чиққан бўлса-да, озгина бўш вақт топди дегунча, ўзининг қадрдон масканига бир келиб кетишни канда қилишмайди. Айниқса, ҳозир таъмир жараёни кетаётгани учун уларнинг деярли ҳаммаси «мактабимиз қандай гўзал кўринишга эга бўлар экан-а», деган ўй-ҳаяжонда.

**Гулнора ИСРОИЛОВА,**
**Қўқон шаҳридаги**
**14-умумий ўрта таълим мактаб**
**директори.**

## НАЗМ ГУЛШАНИ



Гулноз МЎМИНОВА

* * *

*Абри найсонким, ёғмоқни ёр кўз ёшидан ўрганмиш,*
*Яна тунким қаролиғни кўзу қошидан ўрганмиш.*

*Ул ёркум, бу қаролиғлар ичра равон юриб келгай,*
*Ё қисматнинг бу сиррини тун хуффошидан ўрганмиш.*

*Ҳар лаҳза ичинда буду нобудлиғинг пинҳон эрур,*
*Бу ҳикматни жунун аҳли ёр қарошидан ўрганмиш.*

*Меҳрсиз ҳаёт йўқ, вале яқинлашсанг — ўлим нақддур,*
*Бу янглиғ олов отмоқни ё қуёшидан ўрганмиш.*

*Билким, бу олов олдида Намруд гулхани ҳечдурур,*
*Улки гоҳи пинҳонидан, гоҳи фошидан ўрганмиш.*

*Дайр аро гаҳе шодлик, гаҳе ғамга талабгорман,*
*Кўнгил бу савдони ишқингнинг гулу тошидан ўрганмиш.*

*«Ситам ғазнаси бўш қолмиш» дея хитоб қилгай эдим,*
*Воҳким, ул ёр зулм сиррин яна бошидан ўрганмиш.*

## ВИСОЛИНГ ХУШХАБАР БЎЛСИН

*Тиларсан, юз йил жафо қил, бир борки «оҳ» урмас юрак,*
*Бу тоқатни Гулноз каби бир дарддошидан ўрганмиш.*

* * *

*Дилимга битдинг исмингни — ўзга хатлар кетар бўлсин,*
*Ғамингга сарфла умримни — ёт қайғулар ўтар бўлсин.*

*Ҳасратларинг бахтдан улуғ, қисматимга буюргил, ёр,*
*Майли, маним қувончларим зумда зеру забар бўлсин.*

*Ишқинг ўқин етмиш икки томиримга томон йўлла,*
*Вужудимни кезиб охир бир кун жонга етар бўлсин.*

*Магар васлинг умидидан бир зум кўзни юмар бўлсам,*
*У ён борсам — завол бўлсин, бу ён келсам — хатар бўлсин.*

*Агар-чи, чиндан ошиқсан — қўрқма дун имтиҳонидан,*
*Ул нигоҳинг тортолмагай қанчалик фитнагар бўлсин.*

*Сан каби дўстни топмадим, кел эй, жонимнинг ағёри,*
*Назар ташла, андуҳларим юзингдек жилвагар бўлсин.*

*Ҳижронингда сўлмоқдадир, эшит Гулноз умидини:*
*«Бу дунёдан кетар чоғим висолинг хушхабар бўлсин!»*

*Айбимми мадорсиз қўлларим билан*
*Қайғу деворини йиқолмаганим?*
*Ва ёки кўнгилли асира каби*
*Умринг хонасидан чиқолмаганим?*

*Жавоб бер, сўзла, эй, умрин саҳнида*
*Гоҳи гул, гоҳ хазон рақси кўринган.*
*Менинг насибам йўқ меҳру раҳмингда*
*Кўзингда жонимнинг акси кўринган!*

*Ахир дунёсида дард яккаш бўлса,*
*Не фарқи бор — куйган навоми, созми?*
*Фақат алам қилар шу ғамдан ўлсам —*
*Айт, рад этилганлар дунёда озми?*

*Тийрамоҳнинг сўнгги кунлари қадар*
*Тўзғиб бўлдимикан бахт чодирлари?*
*Нечун энди сенга сўзларим малол,*
*Ўринсиз туюлар хавотирларим?*

*«Қол» десам, қўлини тортмоқда ҳаёт,*
*«Кел» десам, юзини ўгирган қазо.*
*Шундоқ ҳам англадим, сенинг нафратинг —*
*Менга шу дунёда берилган жазо...*
*Умрингдан кетаман йўқ ўзга чора...*

## ГИНА

*Умрингдан кетаман, йўқ ўзга чора —*
*Сўнгакларим қадар етиб борди ранж.*
*Айт, қачон Тангридан изн сўровдинг*
*Менинг ҳаётимдан тузмоққа шатранж?!*



## ТЎРТЛИКЛАР

*Бу мунглиғ дил букун Ёра етишгай,*
*Гунг бир забон қадар зора етишгай.*
*«Қандоқ етишди» деб сўрмагил, англа:*
*Вужуд қафасини ёра етишгай.*

* * *

*Теграмда айланар жаҳон сурати,*
*Дил тубинда Ёрнинг ниҳон сурати.*
*Маҳшар куни қандоқ бош кўтаргайман,*
*Бош устимда турса Жонон сурати?!*

* * *

*Осийлигим тараҳҳумингга боис,*
*Ожизлигим табассумингга боис.*
*Эй Худойим, наҳот манинг ҳайратим,*
*Ҳар заррада тажассумингга боис?*

* * *

*Дедим: ишқ сирридан мудом ҳайронман:*
*Севгинг кўзада-ю, аксинг майдадур.*
*Деди: сир мангудир, ахир посбон — Ман,*
*Англа, дард қамишда, фиғон найдадур.*

* * *

*Ошиқ айтар: «Найнинг навосидир иш?»,*
*Гоҳ ғам водийсининг ҳавосидир иш?*
*Аввалда бу дарднинг боиси Ўзи,*
*Ҳам охирда унинг давосидир иш?*




**«АДАШИШ»** — ҳозирги тилимизда «йўлдан озди» деган ибора бор. Худди шу иборадаги «озди» сўзининг илк кўриниши «азди» бўлган. «Адашди» феъли шу сўздан, яъни, «азди»дан келиб чиққан бўлиши мумкин.

**«ҚИЗИЛ» ва «ЯШИЛ»** — «Қизил» сўзининг ўзаги «қиз». Мантиқан олиб қаралганда ҳам, қизил қизга ярашади. «Яшил» сўзининг илдизи эса «яш», яъни «ёш» сўзидир.

**«ЎГИТ»** — бу сўзнинг ўзаги «ўг» — ақл ва зийраклик маъноларини англатади. Демак, «ўгит» ақл бериш мазмунидаги сўздир.

**«ЎРТАДИ»** — сўзга ҳам адабий асарларимизда, айниқса, шеъриятимизда кўп дуч келамиз. Бироқ унинг асл маъносига ҳамиша ҳам эътибор қилавермаймиз. «Ўртади» феълидаги «Ўрт» ўзаги «ёнғин» маъносини англатади. «Ўртади»нинг мазмуни — «ёнғин ёқди».

**«ЙОҒУРТ»** — ҳозирги пайтда дўконларда ҳам, рекламаларда ҳам «йогурт» сўзини кўп учратамиз. Қадимги тилимизда «йоғурт» сўзи «ивиган сут» маъносини англатган. Бу сўз рус тилига ўтганда ҳам ўз кўринишини деярли сақлаб қолган.

**«НАЖДАК»** — Қошғарий «Девон»ининг индексида «Нождағ» сўзига берилган изоҳга кўра, «ниждағ» бу «қайроқтош» деганидир. Демак, «наждак» сўзи ҳам русча сўз эмас.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН СОҲИБИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

**Унда «Ибрагимбек» хусусий фирмасига қарашли**

**«ШОДИЯ» салонига мурожаат қилинг!**

*Салон чеварлари тиккан элита пардалар хонадонингизга чинакам гўзаллик олиб киради. Бундан ташқари, салонда кечки либослар, таклифномалар ҳам тайёрланади. Шунингдек, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, уяли алоқа тармоқларига уланиш хизматларидан ҳам фойдаланишингиз мумкин. «ШОДИЯ» салонига буюртма берганлар ҳеч қачон норизо бўлмаган!*



**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 13-мавзе, 26-уй (кўча устида)**
**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 128-99-58, 412-92-19.**

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

# САВОБ САРОБГА АЙЛАНСА...



Ўғлига тор келиб қолган туфличани ва қизининг кичкиналигида кийган оҳорли кўйлакчасини тўртинчи қаватда яшайдиган қўшнисига олиб чиққан Хуршида ўзини енгил ҳис этди. Икки боласи билан қийналиб қолган аёлни эри ташлаб кетганлигини кечагина эшитди. Тақсимчадаги сомса ва халатининг чўнтагидаги бир сиқим шоколадни қўшнининг ўғилчасига узатар экан, унинг жавдираб ойисига қарагани ва ҳазин овозда:

— Ойижон, конфетни олсам майлими? — деб сўрагани Хуршиданинг вужудига титроқ солди. Нимага шу вақтгача бу хонадонга бош суқмади? Ахир, бу уйга мана шу аёлдан аввал кўчиб келган эди-ку?

Аёл унинг қўлидагиларни ийманиб оларкан, эшитилар-эшитилмас «овора бўлибсизда, опа», деб қўйди.

Ёлғиз аёл саккиз ойлик боласини ташлаб ишга чиқолмасди.

Унинг боласига қараб турмоқчи эди, Хуршиданинг эри кўнмади. У ишдалигида қараса бўладию, аммо Аҳрор билиб қолса кун бермайди. Эрининг дийдаси қаттиқроқ.

Хуршида уйда ўтириб тикиш тикади. Орттирган пулидан тўртинчи қаватдаги аёлга ҳам илинадиган бўлди. Табиатан раҳмдил ва очиқ Хуршида бирор мазали таом пиширса ҳам секин ўғлидан Зумрадга бериб юборадиган одат чиқарди.

Бора-бора топган-тутганларига барака кирадиган бўлди. Қариндошларининг рўзаи фитрини ҳам йиғиб олиб, қўшнисига олиб келиб берди.

Бир гал Зумрад ишга тушганида боласининг энагаси касал бўлиб қолди. Унинг боласини Хуршида олиб қолди. Болакай жуда шўх эди, Зумрад буюртмасини тикишга сира имкон тополмади.

Шу тахлит барибир Зумрадга қарашиб тураверди.

Аёлга сандиғидан бир-икки материал олиб кўйлак ҳам тикиб берди. Зумраднинг илгариги маъюслиги анча тарқалганди. Болалари ҳам тузуккина кийинадиган бўлди. Ҳар икки куннинг бирида бозорлик қилиб келар, ора-сира кўчада ўтирган хотинларга қўшилиб ўтирарди.

— Хуршидахон, бир гап айтсам хафа бўлмангу, Зумрадга керагидан ортиқ марҳамат кўрсатиб юбормаяпсизми?

— Савоб ҳам керакку, опажон. Мен унга бирни берсам, Тангрим менга мингни беряпти.

— Қайдам, раҳм қилма етимга, етим тепар кетингга, деган гаплар ҳам бор-да. Янаям ўзингиз биласиз...

Карима опанинг илмоқли гаплари Хуршидага заррача эриш туюлмади. Савоб ишини давом эттираверди.

Кунлардан бир куни эри ҳадеганда ишдан қайтавермагач, кечки овқатни лаганга сузар экан, болаларининг олдига таом қўйди-да, бир коса лағмон солиб, Зумрадникига йўл солди.

Эшикни энди тақиллатмоқчи эди, унинг қия очиқлигини кўриб, секин даҳлизга кирди. Оғиз жуфтлаб Зумрадни чақирмоқчи бўлувди, залдан эркак кишининг овозини эшитиб тўхтади. Наҳот, Зумраднинг эри келган бўлса? Инсофга келгани рост бўлсин-да, бечора аёл анча қийналди. Шунча азоб чекканида йўқламаган эр хотини аста-секин оёққа тура бошлаганида пайдо бўлиб қолгани-чи? Шу пайт залдан Зумраднинг қиқирлаб кулгани, эркак кишининг уни эркалагани эшитилди. Уларнинг бахтиёрлиги шундоққина сезилиб турарди. Эшикни тақиллатмай кириб келгани-ю, ошхонага овқат қўйиб чиққанидан хижолат тортган Хуршида кетиш олдидан даҳлиздаги шкаф эшигини оҳиста чертди. Болалар айвонда чуғурлашарди, телевизор баланд овозда қўйилганди. Қўлидаги бир коса овқатни бошқасига бўшатиб чиққан Хуршида даҳлизда турган шиппагини киймоқчи эди... Бирдан таниш туфлига кўзи тушиб, таққа тўхтади. Эрининг оёқ кийими эмасми? Шу пайт ошхонада пайдо бўлган Аваз хурсандлигини яширолмай бақирди:

— Хуршида опоқим келдилар!

Энди ташқарига чиқмоқчи бўлган Хуршида ногаҳонда зал эшиги очилгани-ю, Зумрад ва унинг ортидан чиқиб келган эрини кўриб, қотиб қолди. Бир зум орага сукунат чўмди.

— Сиз?..

— Опа...

— Ҳалиги... ҳалиги...

Зумраднинг тили айланмай қолди.

— Аҳрор ака... Аҳрор акага илтимос қилиб... Ҳалиги... парда осолмай қийналиб...

Хуршида карахт эди, шу тобда эрининг ҳам ранги оқариб кетганини кўриб, индамади. Мийиғида кулиб қўймоқчи бўлди-ю, юзи қийшайиб кетди. Тили калимага келмай, орқасига бурилиб, пастки қаватга отилди.

Уйига кирасолиб ваннахонага югурди. Кўзларидан отилиб чиққан ёшни болалари кўришини истамади, аламдан ўртанган юраги гупиллаб уриб борарди. «Ахир... ахир... Мен уни синглимдай кўриб... Мен уни... Қўйнимда илон сақлабман-да, Карима хола нега очиқ айта қолмади. Наҳотки у буни билган бўлса?..»

Эрталаб ўзининг калити билан эшикни очиб кириб келган Аҳрор шкафдан кийимларини олиб кияр экан, ётоқхонада тикиш қилаётган хотинига нималардир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо унга қарашни ҳам истамаган Хуршидани кўриб, эшикдан секин чиқиб кетди. Кўйлакнинг енгини ёқасига тикиб қўйган Хуршида эса асабий ҳолатда чокларни қайтадан сўкар экан, бир хаёли тўртинчи қаватга югуриб чиқиб, Зумраднинг юзига туфлагиси келдию, аммо ўзини босди. Яхшиси... озроқ кутсин-чи... Эри ростдан қўшничилик юзасидан ёрдамга чиққан бўлса-чи, унда нега аёлни кўрганида ранги оқарди? Нега эрталабгача уйга келмайди? Нега?

Хуршида пешингача бошини тикув машинасидан кўтармади. Болалари мактабдан қайтгунларича, уларга овқат тайёрлаш учун ўрнидан турмоқчи бўлганди, кўзи тиниб боши айланганча йиқилиб тушди. Унинг қон босими ошиб кетганди.

Хуршида ўн кун касалхонада ётди. Ҳамма қўшнилар бирбир хабар олиб кетишди. Фақатгина Зумрад келмади...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

---

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

# «ИШОНЧНОМА» ҚАЧОН ИШОНЧЛИ БЎЛАДИ?

Таҳририятимизга турли масалаларда, айниқса, ҳуқуқий мавзуларга оид саволлар билан ҳам муштарийлар мурожаат қилишади. Улар орасида бевосита Ишончномаларни қай тартибда расмийлаштириш, амал қилиш муддати ва бошқа тартиблари хусусида мурожаатлар анчагина. Ана шу саволларга Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус **Ҳабибулло ПЎЛАТОВ** жавоб беради.



***«Ишончнома»ни расмийлаштиришнинг янги тартиби жорий этилгани ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.***

**Ш. КАРИМОВ, Тошкент шаҳри».**

— Фуқаролар нотариал идораларга кўпроқ ўзларига тегишли автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи Ишончномани расмийлаштириш учун мурожаат этадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №38-сонли қарорига асосан 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ишончномалар фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияси, тартиб рақами ва ҳудудий кодига эга бўлган «Давлат белгиси» давлат ишлаб-чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган гербли бланкаларда амалга оширилиб келинмоқда.

***«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ Ишончномаларни расмийлаштириш учун нотариусга қандай ҳужжатлар тақдим этилади?***

**Г. УСМОНОВ, Гулистон».**

— Нотариал ҳаракатнинг бу турини расмийлаштириш учун фуқаро ўзи билан паспорти ва автомашинага тааллуқли техник паспортни тақдим этиши керак. Агар Ишончнома яқин қариндош, яъни эр-хотин, ота-оналарга, болаларга, набираларга, ака-ука, опа-сингиллар ва жиянларга берилаётган бўлса, қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам талаб қилинади.

***«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ Ишончномаларни расмийлаштириш учун белгиланган давлат божи қанча?***

**Т. ТИРКАШБОЕВ, Тошкент вилояти».**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (03.11.1994 йил) №533 сонли қарорига асосан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ Ишончномаларни тасдиқлаганлик учун бож эр-хотин, ота-она, болалар, набиралар, ака-ука, опа-сингиллар ва жиянлар ўртасида энг кам иш ҳақи миқдорида яъни бугунги кунда 28040 сўм (1 августдан бошлаб эса 33645 сўм) қариндошлиги бўлмаган шахслардан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида давлат божи ундирилади.

***«Юридик шахслар томонидан ўз ходимларига автотранспорт воситаларидан фойдаланиши учун Ишончнома бериш тартиби қандай?***

**Ж. АВАЗОВ, Қўқон шаҳри».**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №38 сонли қарорига асосан юридик шахсларга тегишли автомашиналардан фойдаланиш учун шу муассаса (идора, корхона, фирма ва ҳ.к) томонидан ўз ходимларига Ишончнома берилиши мумкин. Лекин нотариал тартибда тасдиқланмайди.

***«Ишончномалар қанча муддатга берилади?***

**М. ЖЎРАЕВ, Навоий шаҳри».**

— Ўз.Р.ФК.нинг 139-моддасида ишончномалар узоғи билан 3 йил муддатга берилиши белгилаб қўйилган.

***«Нотариал тасдиқланган, лекин муддати кўрсатилмаган ишончнома Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳам юридик кучга эга бўладими?***

**Ч. ЎТЕНИЁЗОВ, Нукус шаҳри».**

— Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган Ишончнома Ўз.Р.ФК.нинг 139-моддасига биноан уни берган шахс томонидан бекор қилингунча ўз кучини сақлайди.

***«Агар фуқаро жисмоний ожизлиги ёки касаллиги сабабли Ишончномани ўз қўли билан имзолай олмайдиган бўлса, қандай йўл тутиш керак?***

**З. ШАРОПОВ, Бухоро вилояти».**

— Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисидаги» қонунининг 34-моддасига асосан фуқаро жисмоний ожизлиги, касаллиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра Ишончномани ўз қўли билан имзолай олмайдиган бўлса, унинг топшириғига мувофиқ, ўзи ва нотариус иштирокида Ишончномани ўзга фуқаро имзолаши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб, мурожаат қилган шахс ҳужжатни шахсан имзолай олмаслиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

***«Ишончнома берган шахс уни бекор қилиши ҳам мумкинми?***

**Ё. ИСМОИЛОВА, Урганч».**

— Ўз.Р.ФК.нинг 141-моддасига асосан Ишончнома берган шахс исталган вақтида уни бекор қилиши мумкин.

***«Ўз республикамизда ишлаб чиқарилган янги автомашиналарга Ишончнома бериш тартиби қандай?***

**Қ.СОДИҚОВ, Самарқанд вилояти».**

— Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмайдиган олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, бепул фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқланганлик учун бож, ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида ундирилади. Эр-хотин, ота-оналар, болалар ва набиралар, туғишган ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги автомототранспорт Ишончномалари бундан мустасно.

**«Оила ва жамият» мухбири Ўктам АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# Таъна ва тавба



— Худога нима ёзганим бор эди, нотавон бола, нега шукрингга нолийсан? Шу бугун ичиб келмасанг бўлмасмиди? Ахир, хотинингни туғруқхонадан ким олиб чиқади? Қариганимда менга шу азоблар ҳам бормиди, шўрим қурсин... Отанг ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди?!

— Ўчиринг, ойи? Овозингизни чиқарманг. Мен хотинимга «агар бунисиям қиз бўлса уйга келмасдан тўғри отангникига равона бўлавер», деганман.

— Беш норасидани уволидан қўрқмайсанми, нобакор? Отаси тирик бўлганидаям, майлийди. Акасиникига борадими энди, йўқ, мен бунга йўл қўймайман, келинимни хор қилолмайсан, яхшиси, ўзинг чиқиб кет. Ана, бор, кимга уйлансанг, уйлан, ўғил туғиб берадиган хотин топ, аммо танамда жоним бор экан, сенга Дилсорани хўрламайман, шусиз ҳам шўрликни одам ўрнида кўрмайсан.

— Хор бўлса, катта кўча! — Акром эшикни кўрсатди.— Уни ҳеч ким ушлаб тургани йўқ, уйланишга келсак, сиз ҳадеб тихирлик қилавермаганингизда аллақачон уйланиб, ўғилли бўлардим.

— Эҳ, нодон бола, ўғилми-қизми, Яратганинг инояти, қизники қадрига етмасанг, ўғил берармиди қодир худо. Кўзингни каттароқ очсанг-чи?

— Ойи, вайсашларингиз жонга тегди! Ҳаммасига сиз айбдорсиз! Менга бошқа хотин қуриб қолмаганди?

Манзура хола кўксини чангаллади. Акром қачондан бери бунчалик тубанликка ботди?

— Ана, жўраларим устимдан кулишаяпти. Уларнинг суннат тўйларига нима деб бораман, ойи?! Ана, Зафар ўғилларига дабдабали тўй берди. Ҳатто тўёнамни олаётиб, «оғайни қизларингни узатганингда қайтарай», дея писанда қилди. Нима, мен ўзим ёлғиз ўғиллигим етмагандек, энди дунёдан изсиз ўтиб кетаманми? Мен юртга ош бермай ўтаманми, а?!

— Ҳай, ҳай, шайтонга ҳай бер, бола, нега изсиз ўтасан? Ойимдай қизларинг бор, ҳар бири бир ўғилнинг ўрнини босади. Эсиз, меҳнатларим... Сени шу умидда улғайтирганмидим, ношуд бола! Сенга бола керак бўлмаса, менга керак. Келиним остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Ўзинг чиқиб кетавер. Сенга на она, на хотин, на бола керак, сенга ўша Зафарга ўхшаган писанда қиладиган, устингдан куладиган улфатларинг керак!

Акром эшикни қарсиллатиб ёпганча кўчага чиқиб кетди. Пешинда ҳам қорасини кўрсатмади. Боёқиш она тўнғич набирасини етаклаганча яна туғруқхонага жўнади. Бу гал ҳам келини бечора қайнонаси билан уйига қайтадиган бўлди.

Дилсора гўдакларини тантана билан олиб чиқиб кетаётган келинчакларни кўриб, томоғига тиқилган хўрсиниқни аранг ютди. Йўқ, Акром бу даражада тошмеҳр эмасди? Агар ўша уч-тўрт улфатининг гапига кирмаганида ҳамон бинойидай яшаётган, бир-биридан ширин қизалоқларини хиёбонма-хиёбон етаклашиб, ҳаёт лаззатидан тотаётган бўлишарди. Айниқса, Зафар деганлари бор. Жуда катта гапиради.

— Э-э, оғайни, сенга раҳмим келади, бир гала қизнинг ичида ўралашиб умринг ўтяпти. Хотининг шу сафар ҳам қиз туғиб берса, шарманда бўлдим деявер!– деганини Дилсора ўз қулоғи билан эшитган ва Зафардан нафратланиб кетганди. Тўғри, унинг бир эмас, икки нафар ўғли бор. Аммо Дилсора қизларини бировнинг ўнта ўғлига алмашмаслигини эсиз, Зафарга ўхшаганлар билишмайди. Акром бўлса, Зафар кабиларнинг ноғорасига ўйнагани-ўйнаган.

Дилсора туғруқхонадан чиқиб келганига ўн кунлар бўлди ҳамки, эри унинг ёнига йўламади. Чақалоқнинг юзига қиё боқмади. Аёл кўнгли чилпарчин бўлса-да, болалари учун тишини тишига қўйди. Эрига худодан инсоф сўрашдан ўзга чора топмади.

Кунлардан бир кун Манзура хола кўчадан ранги ўчганча кириб келди:

— Ойижон, тинчликми, безовтасиз? – сўради Дилсора қайнонасига пешвоз чиқаркан. Онасининг ўғлидан қаттиқ хафалигини биларди, Акром яна бир қилиқ чиқармаганмикан, дея хавотирга тушди.

— Оҳ, болам-а, нонни катта есанг ҳам гапни катта гапирма, деганлар, кўрмайсанми, анови Зафарнинг кенжаси билмасдан кислота ичиб қўйиб, нобуд бўлибди. Энди тили чиққан экан-а.

— Вой, ўлмасам? — Дилсора бўшашганча ерга ўтириб қолди. — Қанақа кислота, ойи?

— Билмасам, ҳовлидами, гараждами турган экан-да, савил. Фалокатда. Болам, невараларимга ҳушёр бўлинг. Акром ҳам ўша ерда...

Дилсора эрининг бир ойдан бери олдига кирмаётганидан сиқилиб турганди. Ўз қайғуси лаҳзада унут бўлиб кетди, кўчага чиққан болаларидан хабар олиш учун югурди. Кеча оқшом эрини йўлдан урган Зафардан норози бўлиб кўзларига ёш келганди. Гўдаккинада нима гуноҳ? Дилсора Зафаргаям ачиниб кетди шу тобда. Наҳотки, одам боласи тавба қилиш ўрнига фақат таъна қилиб яшаса? Ахир, бировнинг ғами устидан кулмоқликдан ёки ошкора томошабин бўлиб турмоқликдан ёмони борми? Ўша куни қайнона-келин сўзсиз овқатланишди...

Эртаси куни шумшайиб Акром кириб келди. У бешикда ётган боласига туғилганидан бери биринчи марта меҳр билан қаради. Эрининг инсофга келганини кўриб Дилсоранинг кўзлари намланди. Бир четда ўғлини кузатиб турган она ҳам рўмоли учи билан кўзларини артиб қўйди...

**Феруза НАБИЕВА**


## «INTELLEKT-LOBAR»

**Профессионал компьютер дизайнерлиги ва тил ўқув маркази**

**Сизни қуйидаги курсларга таклиф этади (минигуруҳ ва якка тартибларда):**

**I.** Профессионал дизайнерлик ва модельерлик курслари:

Про архитектура, про модельер, про дизайн, про монтаж, веб сайтлар яратиш;

**II.** Профессионал махсус курслар:

**Графика ва архитектура:**

1.3D Max arxitektura 8.0;
2.3D Max multifikatsiya 8.0;
3.3D Max multifikatsiya 9.0;
4.Auto Cad arxitektura 2D/3D;
5.Photoshop C34;
6.Corel Draw C34.

**Visual spes эффектлар ва монтаж:**

7.Adobe Premiere 7.0;
8.Adobe Premiere pro;
9.Penakil Studio 8,0/10;
10.Ulead Video Studio 9,0;
11.Adobe Aftel Effectes 6,5;
12.liusion studio (special effect).

**Профессионал компьютер билимлари ва устачилик курслари:**

**1.Про махсус телефон усталари:** (мукаммаллаштирилган махсус курс);

**2.Телефон усталари:** (барча русумдаги телефонларни таъмирлаш);

**3.Телефон дастурловчилари:** (барча русумдаги телефонларни дастурлаштириш);

**4.Компьютер усталари:** (компьютерларни таъмирлаш ва уларга дастурлар ёзиш (Windows XP, Windows Zver, Windows Vista);

**5.Компьютер саводхонлиги:** (Microsoft office 2003-2007, Word, Excel, PowerPoint, дисклар билан ишлаш);

6.Интернет ва e-mail.

**IV.Профессионал тил ва бухгалтерия курслари:**

**1.Бухгалтерия ҳисоби:** (нолдан балансгача);

**2.1С Бухгалтерия:** (компьютерда бухгалтерия ҳисоби).

**Рус ва инглиз тили:**

1.Бошловчилар учун махсус курс;
2.Давом эттирувчилар учун;
3.Сўзлашув клуби (олий курс);

Шунингдек, (испан, итальян, француз, немис, турк, араб, форс, ҳинд, хитой, япон, корейс тиллари фақат якка тартибларда профессионал даражада ўргатилади).

**Йигит ва қизларни ҳаётга тайёрлаш бўлими:**

1.Тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш;
2.Сартарош стилист (эркаклар ва аёллар сартароши);
3.Педикюр, маникюр;
4.Косметолог-визажист;
5.Фармацевтика сабоқлари (компьютер билан);
6.Уй ҳамшираси ва массажистлар тайёрлаш;
7.Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар;
8.Астарли устки кийимларни тикиш;
9.Тўй ва оқшом кўйлаклари тикиш;
10.Газламалардан гуллар ясаш;
11.Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи;
12.Бисер усулида каштачи-безакчи, дизайнер;
13.Машинада ва қўлда кашта тикиш;
14.Қўлда тўқиш — (спица ва крючокда);
15.Уйғур, миллий ва европа таомлари — (70 дан ортиқ овқатлар тайёрлаш):
16.Пазандачилик — (70 дан зиёд пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар тайёрлаш)
17.Тортларни олий даражада безатиш санъати;

Шунингдек, марказимиз ўзининг махсус курсларини таклиф этади:

Дефектология: (нутқида нуқсони бор болалар билан ишлаш).

Тўрт ёшдан бошлаб ўзбек ва рус мактабларига тайёрлов бўлимига олинади.

Психолог маслаҳати;

Психолог референт;

Котиба референт тайёрлов (компьютер, интернет ичида).

**Марказимиз ўзининг барча ўқув курсларини ташкилотлар, фирмалар, муассасалар ва уйингизда бориб ўтиб бериш хизматини ҳам кўрсатади. Марказимиз қошида эркак ва аёллар учун сартарошхона, тренажер заллари, фитнес клуб, араб ва Лотин Америка рақс клублари ҳам сизларга ўз хизматини кўрсатади.**

**Ўқувчиларнинг вақтларига қараб дарс белгиланади.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Наврўз» маҳалласи. **МЎЛЖАЛ:** Тошкент Давлат Аграр университети. Микрорайон бозорча рўпарасида.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (+99897) 403-03-69, 402-53-64, 798-05-70.

**Узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланади.**


КЎЗГУ

# «ЎГАЙ» СЎЗИНИ ЎЧИРАМАН

Онаси вафот этганида Зебо анча эсини таниб қолгани учунми, кўп вақтгача ўзига келолмай юрди. Дадаси билан онасининг бирга тушган суратига кўз ташларкан, кўнгли алланечук бўлиб кетар, гўё меҳрибони тирилиб келгандай, сочларини силаб эркалаётгандай туюлаверарди. Лоақал бир мартагина бўлса-да «ачомлаб», юз-кўзларидан ўпгиси келарди. Лекин онаси майин жилмайганча, ундан узоқлашиб бораверди. Шунда қизча аламидан йиғлаб юборарди...

Айниқса, уйларига «янги ойи» келганидан буён Зебонинг қовоғи очилмай қолди. Барнохон турли хил ширинликлар пишириб ҳам, айланиб-ўргилиб ҳам қизчанинг кўнглини ҳеч илитолмади. Ҳатто турмуш ўртоғи ишдан келгунича аламидан «йиғи-сиғи» ҳам қилиб оладиган бўлди. Нима қилсин, аввалги рўзғоридан бефарзандлик туфайли ажралишганди. Шокир акага эса мана шу норасида қизча туфайли, «онасининг ўрнини билинтирмай, болам дейман, ўз фарзандимдек кўраман», деган яхши ниятда турмушга чиққанди. Лекин, бу ўзи ўйлаганчалик осон эмас экан.

Барнохон қизчанинг ўрнига ўзини қўйиб кўрди-ю, унинг мурғак қалбида онасига бўлган муҳаббатини сезиб, янада меҳри товланди. Ҳеч ким йўғида Барно суратни қўлига олиб, у билан тиллашмоқчи бўлди. Унга ҳавас билан тикилди. Унинг шундай бир меҳрибон қизи борлигидан қувонди, оила бемаврид кемтик бўлиб қолганидан эса ачинди. Бу кемтикнинг ўрнини тўлдириш машаққат билан кечишини ҳис қилди.

«Барибир бу мурғак қалбга «она» сўзини жо қиламан», — дея дилидан ўтказди Барнохон. Токи «ўгай» деган сўз бу хонадонда ишлатилмасин. Оналик меҳрим Зебони беғубор боланикнинг нурли дамларига қайтарсин...»

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА**

ТИББИЁТ

**Сиз кўкрак бези саратони касаллигига чалинган одамлар ўртасидаги ўлим даражаси дунё бўйича иккинчи ўринда эканлигини биласизми? Бундан ўн йил аввал ҳар 10тадан битта аёлда учраган мазкур касаллик бугунга келиб ҳар 8тадан биттада борлиги аниқланмоқда. Жаҳон миқёсида фақат бир фоиз эркакларда учрайдиган кўкрак бези саратони касаллиги расмий статистикага кўра, аёлларнинг 56 фоизида учраркан. Бу кичкина кўрсаткич эмас, албатта.**

# БИЗ УЧТАМИЗ — МЕН, СЕН ВА КАСАЛЛИК



Сўнгги йилларда онкология касалликлари бутун дунёда ташвишли муаммолардан бирига айланган. Кўкрак бези саратони эса аёллар саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти берган маълумотларга кўра, йилига дунё бўйича бир миллион одамда бу касаллик қайд этилади. Шулардан 600 мингтаси ҳаётдан кўз юмади. Энг ачинарлиси, ушбу рақам ҳар йили ортиб бормоқда ва аксарият ҳолларда бу касалликка 45-60 ёшдаги аёллар чалинмоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Кўкрак бези хавфли ўсмалари муаммоларининг тиббий аспектлари ва уни бартараф этишда жамоат ташкилотларининг ўрни» мавзуида халқаро форум айнан шу масалага бағишланди. Тадбир ҳукумат, нодавлат ташкилотлар, ишбилармон доира вакиллари ва ташаббускор фуқароларни ушбу муаммо атрофидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишга, касалликни олдини олиш юзасидан дастлабки қадамларни ташлашга хизмат қилди. Илк маротаба кенг миқёсда ўтказилган мазкур анжуман ташкилотчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ва унинг қошида ташкил этилган «Кўкрак бези саратонига чалинган аёллар» жамияти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Республика онкология илмий маркази билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Анжуманнинг асосий мақсади соғлиқни сақлаш муассасалари, нодавлат ташкилотлар, давлат идоралари ва фармацевтика компанияларини, кўкрак бези саратонига қарши кураш ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилгандир. Унда асосий эътибор ушбу масалада жамоат ташкилотларининг роли ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мавзусига қаратилди.

Ўзбек аёлларининг мазкур форумни ўтказиш ҳақидаги ўзига хос чақирувига икки юздан ортиқ вакил қатнашиш истагида ўз хайрихоҳлигини билдирди. Хусусан, Германия, Италия, Швейцария, Исроил, АҚШ, Туркия, Россия, Украина, Қозоғистон, Япониядан бир қатор етакчи мутахассислар, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар, расмий идоралар вакиллари мазкур тадбир ғоясини қўллаб-қувватлашди. Улар орасида, шунингдек, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «EUROPADONNA» кўкрак бези саратонига қарши кураш бўйича Европа коалицияси, «Ҳаёт учун тенг ҳуқуқ» нотижорат ҳамкорлик ташкилоти (Россия), «Фемаклуб» саратон касалига чалинган аёлларни қўллаб-қувватлаш жамияти (Украина), «Novartis» (Швейцария), «Sanofi-aventis» (Франция), «Hoffmann-La Roche» (Германия) сингари йирик фармацевтика компаниялари ва бошқалар бор.

«Novartis Pharma» (Украина) онкология, фармацевтика компаниясининг МДҲ давлатлари бўйича ҳудудий бошқармаси раиси Юлия Сидированинг таъкидлашича «форум турли соҳа вакилларини бир жойга жамлаган ўзига хос ҳудуд бўлди. Ўзаро муайян келишувга кўзланган мақсадини амалга оширишга барча бирдек эришади. Ҳукумат, нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва беморлар ўртасида тушунишга асосланган ришталар орқали рак ўлимга олиб келувчи қатъий ҳукм эмас, балки оддий ташхис эканлигига умид пайдо бўлади. Бу билан яшаш мумкин, аммо курашни эса тўхтатмаслик зарур».

Шунингдек, халқаро форумда кўкрак бези саратонига чалинган аёл ўзини жамиятдан узилган, ажратилгандай ҳис қилмаслиги, ёлғондакам заифлик ва ночорлик кайфиятига дучор бўлмаслиги учун унга руҳий кўмак бериш зарур эканлиги таъкидланди. Аслида айнан шу мақсадда Ўзбекистонда «Кўкрак саратони безига чалинган аёллар» жамияти тузилган бўлиб, у бемор аёлларга ёрдам беради ва уларнинг ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган ишлар олиб боради. Зеро, биргаликда олдинга қараб юриш у даражада қўрқинчи эмас, асосийси, ҳаракатдан, яхши, соғлом ҳаётга интилишдан тўхтаб қолмаслик.

«Кўкрак саратони безига чалинган аёллар» жамияти томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган Саломатлик кунлари доирасида АҚШ, Германия, Исроил, Россия ва Ўзбекистондаги етакчи клиникаларнинг юқори малакали мутахассислари юзлаб аёлларга касаллик борасида зарурий маслаҳатларни берадилар.

Н. Блохин номидаги онкология илмий-текшириш институтининг етакчи илмий ходими, тиббиёт фанлар доктори, маммолог Сергей Портной жорий йил апрелда Тошкентда ўтказилган «Оилада саломатлик кунлари» ижтимоий акцияси иштирокчиси. У ўз фикрлари билан ўртоқлашаркан, қуйидагиларни гапириб берди:

— Маммология билан бутун умрим давомида шуғулланиб келяпман, десам ҳам бўлади. Узоқ вақтдан бери Тошкент шаҳридаги онкология диспансеринг шаҳар бўлими билан ҳамкорлик ишларини олиб бораяпман. Ўзбекистонга тез-тез келаман, мазкур соҳадаги кўплаб мутахассислар билан яхши танишман. «Кўкрак саратони безига чалинган аёллар» жамияти ташкил этилгани эса алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки бу жамият аёллар муаммосига жиддий ёндашган ҳолда фаолият юритиб келмоқда. Мен, шунингдек, бу ташкилотнинг ўз Мослашув маркази борлигини ҳам биламан. Бундай хайрли ишларнинг бошланишини қўллаб-қувватлаш ва хайрихоҳлик билдириш зарур, боиси улар инсонларга сўз билан ифода этиб бўлмайдиган кўмак беради. Гиппократнинг беморга қарата «Биз учтамиз: сен, мен ва касаллик» деган гапи бор. Бунинг маъноси шуки, касалликни енгмоқчи бўлган инсон албатта шифокор билан бирлашиши керак. Мен очиқ эътироф этишим мумкинки, Ўзбекистондаги шифокорлар ўз ишининг етук мутахассислари ва фидойиларидир.

Ўтган бир неча йиллар ичида Ўзбекистонда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан аёлларга тушунтириш ишлари, мастер-класслар олиб борилди. Биргина Фарғона водийси вилоятларида 30 мингдан ортиқ аёлларга касаллик бўйича кенг қамровли маълумотлар беришга қаратилган ўзига хос таълимий машғулотлар ўтказилди. Бундай саъй-ҳаракатлар орқали нафақат марказий, балки ҳудудий, хусусан, қишлоқ жойлардаги шифохоналарда ҳам касалликка эрта ташхис қўйишга имконият яратиш кўзда тутилади. Айнан шу жиҳат эътиборга лойиқ: форумда кўплаб мутахассис-олимлар таъкидлаганидек, касалликнинг бошланишида аниқлаш, ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш ва даволанишни бошлаш беморни буткул соғайишига олиб келади.

**Наргиза ИБРОҲИМОВА**

ТАБОБАТ МЕРОСИ

## СЕДАНА СИРЛАРИ

*“Седанада ўлимдан бошқа ҳамма касалликларга даво бор”.*

**(Ҳадислардан)**

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳазратлари бу ғаройиб неъмат ҳақида шундай ёзадилар:

***“Седана осилтиргувчи сўгалларни, холларни, доғни, айниқса, песни кетказади. Уни сирка билан қўшиб “сутли чиқиқларга” босилади. У шиллиқли ва қаттиқ ўсмаларни шимдиради. Айниқса, унинг қовурилганини каноп латтага солиб ишлатилса, тумовга яхши фойда қилади.***

***Седанани совуқ бош оғриғи билан касалланган кишининг пешонасига суртилса малҳам бўлади.***

***Седана ингичка ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни ўлдиради; бир неча кун давомида киндикка суртиб юрилса, ҳайз қонини юриштиради. Уни асал ва иссиқ сувга қўшиб ичирилса, қовуқ ва буйракдаги тошларга фойда қилади ва уларни чиқаради.”***

**(“Шарқ табобати” китобидан)**

*Ўрганганинг ўзингга*

## ҚЎЛ ТИРНОҚЛАРИ ПАРВАРИШИ (МАНИКЮР)

Қўл тирноқлари ҳам алоҳида парваришга муҳтож. Авваламбор тирноқ атрофидаги терини юмшатиш керак. Бунинг учун бир неча минут совунли илиқ сувга солиб турилади. Бирмунча вақт ўтгач, қўлни қуруқ сочиқ билан артиб, юмшаган тери учи тўмтоқ ингичка қайчи билан кесилади. Тирноқнинг бурчакларидаги тери омбирча билан олиб ташланади. Йўғон калта бармоқлардаги тирноқлар узун овал шаклда, узун бармоқлардаги тирноқлар думалоқ шаклда кесилгани яхши. Тирноқни бир томонга йўналтириб эговлаш керак, шундай қилинса у илмайдиган бўлади. Тирноқ эговланганидан кейин, тирноқ усти этига озиқлантирувчи крем суртилади. Тирноққа лак суриладиган бўлса, бўёқ ясси мўйқалам билан тирноқнинг ўрта дўмбоқ қисмидан икки чеккага қараб тортилади. Ёзда тери қорайган пайтларда тирноқларга бир мунча очиқ рангли лак суртилгани маъқул. Узун тирноқнинг ойнасини лак билан бўямаслик керак. Узун тирноққа лакни энсиз узунасига қилиб суртилса, кўриниши анча чиройли бўлади.

**Малика МИРСОДИҚОВА**
**тайёрлади.**

# ПОМИДОР — УНДА КЎП ГАП БОР...

ТАБИАТ — ДОРИХОНА



Бизда памилдори, Италияда «помидоро», яъни «олтин олма», Қримда уни «муҳаббат олмаси» деб аташади. Мексикада эса бу ўсимликни «томател» деб атаганлар. Помидорнинг ватани — Жанубий Америка ҳисобланади. Европа мамлакатларида бу ўсимликни тувакларга ўтказиб, гуллар билан бир қаторда парвариш қилганлар. Помидор Греция орқали Туркияга, 1850 йилда Қримга келтирилган. Ва кейинчалик бу сабзавот кўп жойларда ўстирила бошлаган. Ўзбекистонда помидорнинг бир неча турлари етиштирилади. Маълумки, меваси турли хил, турли рангда бўлади: тўқ қизил, сап-сариқ, жигарранг. Мевасининг таъми унинг навига боғлиқ бўлади.

Помидорнинг кимёвий таркибида сув, қанд, фруктоза, глюкоза, пектин моддалари, C, $B_1$, $B_2$, PP, каротин, E, $B_6$, $B_{15}$, $B_{13}$ каби дармон-дорилар, лимон, олма, шавел каби кислоталар бор.

Яна унда калий, калций, магний, фосфор, темир, натрий, хлор, йод, кобалт, фтор, хром, рух сингари микро ва макро маъданлар бўлади. Ана шу моддалар туфайли помидор парҳез даво сифатида тавсия этилади. Моддалар алмашуви фаолияти бузилганда, меъда (ошқозон) шираси кислотаси пасайганда, жигар хасталикларида, юрак-қон томир тизими касалликларида малҳамдир. Айниқса, калий етишмовчилигида яхши наф беради. Помидор таркибида 24 хилдан ортиқ ҳаётбахш моддалар мавжудлиги боис чанқовбосди ҳисобланади. Таркибида фолий кислотаси борлиги учун камқонликда тавсия этилади.

Помидор таом ҳазм бўлишини яхшилайди. Дастурхонга палов-ош тортилганда, албатта помидордан тайёрланган салатни қўшиб истеъмол қилишда ҳам ажиб бир маъно бор. Помидор холестерин ошганда, буйрак хасталигида, паришонхотирликда, сурункали қабзиятда истеъмол қилиш буюрилади. Ичак касаллигида фойдали. Дармонсизликда, семириб кетишга мойиллик бўлган кишиларга шифокор томонидан тавсия этилади.

Буйрак-тош хасталигига чалинганлар, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси, меъда шираси кислоталилик миқдори кетиши билан боғлиқ гастрит, колит, энтероколит хасталиклари зўрайганида помидорни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Чунки, акс таъсир қилиб, оғриқ кучайиши мумкин.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

**БОЛА АСРАБ ОЛИНГ!**

«Баҳодиржон ва Диломхон!

Менинг бу таклифим сизларга ғалати туюлса-да, «бегонаники керак эмас» деб эътироз билдиришга шошилманг. Чорасизга чора бу! Фарзандсизликдан қийналаниб юрган, дардга даво тополмаётган бошқа эр-хотинлар ҳам мурожаатимга амал қилишса, албатта, мушкуллари осон бўлади.

Тўғри, мен ҳам хом сут эмган бандаман, дунёнинг кўп ишларига ақлим етмайди. Шунинг учун ўзим гувоҳи бўлган бир ибратли воқеани айтиб бераман.

Бу келин-куёвнинг бир-бирига узукка кўз қўйгандек мослигини, аҳил-иноқлигини кўриб барчанинг уларга ҳаваси келарди. Афсуски, Акбаржон билан Маликахоннинг бахтига кўз тегдими ёки ҳар тўкисда бир камчилик бўларканми, билмадим, ҳадеганда болали бўлаверишмади. Аввалига иккаласи ҳам «ҳали ёшмиз, фарзанд кўришга улгурамиз», деб кўнгилларини чўктиришмади. Орадан икки-уч йил ўтгач, хавотирлана бошлашди. Қаратган қараб қолмайди! Эр-хотин роса елиб-югуришди. Эҳ-ҳ-э, уларнинг бормаган шифокору табиби қолмади, Ўзбекистонда. Барибир сабрлари тугамади, умидлари сўнмади.

Ахийри қавми-қариндошлар ўртага тушишди. «Бир-бирингнинг умрингга зомин бўлманглар! Ажрашинглар! Бошқа-бошқа турмуш қуриб, ўзларингни синаб кўринглар!» дейишди. Акбаржон ўз яқинларига, «айб менда!» деса, Маликахон ҳам ўзиникиларга шундай деб туриб олди. Хуллас, таънаю дашномларга кўксиларини тутиб, эр хотинини, хотин эрини ҳимоя қилди.

Ниҳоят, ўзаро маслаҳатлашиб, Меҳрибонлик уйидан бир чақалоқни асраб олишди. Урф-одатларимизга биноан, барча расм-русумларни ўтказиб, унга Умида деб исм қўйишди. Шу тариқа хонадонда чақалоқ йиғиси эшитилди.

Кейин маълум бўлди, бу қизча касалманд бўлиб туғилган экан. Лекин улар тушкунликка тушмасдан Умидани даволатишди.

Худонинг қароматини қаранг, қизалоқнинг қадами қутлуғ келди. Етимнинг бошини силаганларни Яратган ҳам фарзанд билан сийлади. Маликахон аввал ўғилли, сўнг қизли бўлди. Акбаржоннинг эгилган қадди тикланди. Қавми-қариндошларининг севинчдан боши кўкка етди.

Ўзим гувоҳман: Маликахон туққан фарзандларига дакки-дашном берса берадики, Умидага гард юқтирмайди, уни фаришта деб билади. Ҳар бир босган қадамини кўзларига тўтиёдек суртади. Фарзандли бўлганидан кейин ҳам Акбаржоннинг асраб олган қизига меҳри асло камаймади, аксинча ортди.

**Муниса СУЛТОНОВА»**



# СИНОВнинг СИЙЛОВи бор

**«Миш-миш» тўзонидаги кечмиш» (30-сон)** ✓ *МУНОСАБАТ*

***Атоқли грузин ёзувчиси Нодар Думбадзе: «Мен Абадият қонунини кашф этдим: Одамнинг юраги танасидан кўра юз баробар оғир. Уни ҳеч қачон бир ўзи кўтаролмайди», деган.***

***Муштдек юрак танадан шунча оғирми? Ҳа, газетамизда «Миш-миш» тўзонидаги кечмиш» мақоласи чоп этилгач, юртдошларимизнинг Баҳодир ва Диломнинг бошига тушган ғам-ташвишларга бефарқ эмаслиги аён бўлди. Республикамизнинг турли бурчакларидан таҳририятимизга мактублар келмоқда, тинимсиз телефон қўнғироқлари бўлиб турибди. Биз бугун ушбу мақолага юртдошларимиз томонидан билдирилган муносабат ва фикр-мулоҳазаларни сизнинг эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.***

**Лола АБДУСАЛОМОВА — Тошкент шаҳридаги Чилонзор тумани, «3-Катта Чилонзор» маҳалласи диний маърифат, маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:**

— Ҳар бир маҳаллада «Миш-миш»лар тўзонидаги кечмиш» мақоласида тилда олиб ўтилган муаммога ўхшаш муаммолар учраши мумкин. Лекин ҳеч ким—қўни-қўшни, маҳалла-кўй қўл қовуштириб ўтирмаслиги керак. Ахир бизнинг юртда маҳалла деган катта тарбия даргоҳи бор-ку! Аслида сизларга улар мададкор суянч бўлишлари керак эди. На илож?

Баҳодиржон ва Диломхонга Оллоҳдан фақат сабр-тоқат тилайман. Қайнона-қайнотасидан илтимос қилардим, ҳар хил гап-сўзларни четга суриб қўйиб, келини ва ўғлига ғамхўрлик қилишсин. Ана шундагина соғлом фарзанд туғилиши мумкин.

**Жаҳонгир ИСОМУҲАМЕДОВ, уролог:**

— Ушбу мақолани ўқиб чиққандан сўнг қуйидаги хулосага келиш мумкин. Оиладаги фарзандсизлик сабабини ҳар иккала томондан ахтариш лозим. Европа андрологлар жамиятининг статистик маълумотларига кўра, оилада фарзандсизликка 50 фоиз эркак киши сабабчи бўлса, 50 фоиз аёл ва 30 фоиз ҳар иккала томонда бўлади. Шу сабабли аёл ва эркак тўла текширувлардан ўтиши керак.

Эркак киши учун керак бўлган текширувлар қуйидагилардан иборат:

**1.** Ташқи жинсий аъзолар кўриги;

**2.** Сийдик чиқарув ва ташқи жинсий аъзолар ультратовуш текшируви;

**3.** Meyers-Stamey текшируви;

**4.** Спермограмма таҳлили;

**5.** Организм гормонал фони (ФСГ, ЛГ, тестостерон);

**6.** TORCH текшируви.

**Зуҳра АБДИРОМАНОВА, гинеколог:**

— Сўнгги пайтларда бундай ҳолатлар тез-тез учраб турибди. Бахтга қарши шундай вазиятларда «маслаҳатчи»лар ҳам кўпайиб қолади.

Баҳодир ва Диломга маслаҳатим қуйидагича: биринчидан, кутилаётган ҳомиланинг психологик «тўсиғи»ни бўшаштириш, қўни-қўшни, ота-она ва бошқа шахсларнинг ноҳолис гап-сўзларига эътибор бермаслик керак. Бу муаммони ҳал этишда оилавий психотерапевтга ҳам мурожаат қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Иккинчидан, дуч келган шифокорга боравермасдан имкон қадар битта мутахассисда даволаниш керак. Учинчидан, даволаниш босқичма-босқич бўлиши керак:

**1.** Эр-хотин жинсий аъзолари яллиғланиши жараёнларини инкор этиш (TORCH ҳам);

**2.** Организмда гормонал фонни (жинсий гормонларни) текшириш;

**3.** Эндокринолог маслаҳати (бўқоқ, буйрак усти безлари, гипофиз касалликларини инкор этиш);

**4.** Шуварский синамаси;

**5.** Фоникулометрия;

**6.** Бачадон найлари (ўтказувчанлиги) рентген текшируви.

**Райҳона ҒУЛОМОВА — «Ҳимоя излаб» адвокатлик фирмаси ҳуқуқшуноси:**

— Воқеадан сезиляптики, икки тараф ҳам келиннинг соғлигига бефарқ бўлган.

Қолаверса, тиббиёт муассаси ходимлари ҳомиланинг тушиш хавфи борлигини билиб, келин-куёвни ўз вақтида огоҳлантиришмаган, лекин келинни касалхонага ётқизишга эътибор беришмаган. Бу уларнинг бурчи эди. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги тўғрисида кўп гапирамиз-у, амалда шунга ўхшаган жиддий муаммолар вужудга келганда бетарафлардек иш тутамиз. Мана, аянчли мисол, бир оиланинг ширин турмуши вайрон бўлди. Энди ҳеч ким ўзини айбдорман, деб ҳисобламайди. Томонларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини аниқлаш осон иш эмас. Кўрилган ҳам моддий, ҳам маънавий зарарни кимдан ундириш мумкин? Бу ҳам муаммо.

## ●●● ХАТЛАРДАН САТРЛАР ●●●

*«...Баҳодир, келинда кўнглингиз бор экан. Сизларни ажратиб юборишларига асло рози бўлманг. Ҳозир бошингизга тушаётган ғам-ташвишларни Яратганнинг синови деб билинг! Иродангизни мустаҳкам қилинг! Менинг бир танишим ўн беш йилдан сўнг фарзанд кўрди. Мана шунақа, сабрнинг таги сариқ олтин! Худо бераман, деса фарзанднинг эрта-кечи йўқ.*

***Дилмурод БОҚИЕВ,***
***Наманган вилояти».***

*«...«Ия, буни ким ёзиб берди? Нотўғри даволаган. Мана бу дориларни оласизлар» ёки «Жуда кучли укол олибсизлар, организм қотиб кетган, буни узоқ даволаш керак», деган сўзларни қайси дўхтир айтади? Ахир бундай дейиш шифокор этикасига умуман тўғри келмайди-ку?!.*

***Малик АЛИЕВ,***
***Фориш тумани».***

*«...Тўй арафасида келин-куёв тиббий кўрикдан ўтишади-да, кейин соғлиқларига жиддий эътибор бермай қўйишади. Жинсий ҳаёт бошлангач, организмда ўзгаришлар рўй бериши, табиий. Шу боисдан оилавий поликлиникаларда ёш оилалар рўйхатдан ўтказилади, маълум вақт оралиғида кўрикка чақирилиб, маслаҳатлар бериб турилади. Мақсад: соғлом ота-онадан соғлом фарзандни дунёга келтириш. Афсуски, кўпчилик оилавий поликлиникаларига бормай, бирор муаммо чиқиб қолса, «дод-вой» қилиб юришади.*

***Азиза СОБИРОВА,***
***Жиззах вилояти».***

*«...Назаримда, Ғарбдан ўрганишимиз лозим бўлган бир жиҳат борга ўхшайди. Уларда йигит ва қиз оила қуришгач, фарзанд кўришга шошилишмайди. Биргаликда яшаб, бир-бирларининг феъл-атворлари ва бошқа жиҳатларини обдон ўрганишади. Бизда эса бунинг тамоман акси. Келинга қариндош-уруғлари у ёқда турсин, етти ёт бегоналар ҳам хўжайинлик қилишади. Тўйдан сўнг у тезда ҳомиладор бўлавермаса, ҳамма ундан айб қидира бошлайди. «Ҳой, барака топкур, у билан сенинг неча пуллик ишинг бор? Қачон фарзандли бўлишни ўзи ҳал қилади», дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Натижада шошма-шошарлик турли кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Эрга тегди, уйланди degани бу ҳали ота-она бўлишга тайёр дегани эмас-ку?!*

***Жамшид ОРОЛОВ,***
***Бекобод тумани».***

*«...Бефарзанд эр-хотин ўнта шифокорга учраша, ўзлари ҳақида ўн хил фикрни эшитиши мумкиндир. Лекин масалага юзаки қарамаслик, хулоса чиқаришга шошилмаслик лозим. Республикамизда шу соҳа билан шуғулланадиган махсус илмий текшириш институтлари, тиббиёт марказлари фаолият олиб бораяпти. Мутахассислар ҳам, замонавий асбоб-ускуналар ҳам етарли. Марҳамат, эр-хотин бориб кўрикдан ўтишсин! Аниқ ташхис қўйилиб, даволаш чоралари қўлланилади. У «у» деди, бу «бу» деди, деб юриш соғлом фикрли одамнинг иши эмас.*

***Дилноза АБДУЛЛАЕВА,***
***Андижон вилояти».***

**С. МАМИРОВ** тайёрлади.

# ҒУРУРИНГИЗНИ ТОПТАМАНГ

***«Мен суйиб, куйиб қолдим» — 27-сон***

Қизим Бонухон, мактубингизни ўқиб, тўғриси, бироз ранжидим. Ахир, сиз қиз боласиз-ку, билмаган, кўрмаган йигитни деб Хоразмдай жойдан Тошкентгача излаб келдингизми? Нега телефон орқали танишган йигитингизнинг «севаман» деган сўзларига дарров ишониб қўя қолдингиз. Агар у сизни ростдан ҳам севган бўлса, ўзи излаб Хоразмга бормасмиди? Ўзбек қизлари ҳеч қачон йигитнинг орқасидан излаб келмайди. Бу бизнинг қизларимиз учун уят саналади. Сиз Тошкентга келаётганингизда, уйингиздагиларни алдаб чиққанингизда хато қилгансиз. Қиз бола ўзининг ғурури, ибоҳаёси билан гўзал-да.

«...Мен ўша куни дала ҳовлида қолдим... Йўқ, минг бора шукрки, унинг... истаги амалга ошмади», дебсиз. Худога шукр қилинг, йўқса, бир умр бахтсиз бўлиб қолардингиз.

Бону қизим, энди сиз бундан буён ҳушёррок бўлинг. Ҳар қандай SMSлар, севги изҳорларига ишонаверманг. У йигитни ҳам қораламанг, қарғаманг. У ҳам, сиз ҳам ўз бахтингизни топасиз. Ҳали худо сизни пешонангизга ёзилган яхши бир йигит рўбарў келади. Мен бунга ишонаман.

**Ҳилола МИРЗАЕВА,**
**Самарқанд вилояти.**

# ШАЙТОН

✓ *ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА*

Шайтон билан ҳеч рўбарў келганмисиз? Асло «йўқ» дея кўрманг. Уни кўп марта учратгансиз. Тўйларда, танталарда, зиёфатларда... Шундоққина рўпарангизда турган. Сизни сеҳрлаган, ўзига чорлаган.

У шундоққина шишанинг ичида ётади. Сувдай мусаффо, шаффоф, тиниқ кўринади кўзингизга. Симирганингизда томоғингизни қириб юборгани ҳам сезилмайди. Ҳузур қиласиз.

Сўнг эса... Қафасдан чиққан шайтон ўз ишини бошлайди. Шер бўлиб кетасиз. Кимнингдир қайси бир вақт сизга ола қарагани эсингизга тушади. Ҳақоратлай бошлайсиз. Вазминга дуч келсангиз-ку бир нави. Йўқса, у ёғини тасаввур қилаверинг.

Кўчада ётиб қоласизми-ей, ёқавайрон бўласизми-ей? Шармандайи шармисор бўласизми-ей. Хуллас, бўлганингизча бўласиз...

Уйда оилангиз, болаларингиз сизга улкан бир алам билан қарайди. Улар сизни ташлаб кетолмайди, аламини ичига ютиб тураверади.

Шайтонга қўшилиб шайтон бўлишдан асрасин.

**Лола ЎРОҚОВА**

ТААССУФ

# “ОТАНГНИ БИР СЎКИБ ҚЎЙСАНГ...”

...Яккабоғдан Шаҳрисабзга қатнайдиган “Дамас”да кетаётгандик. Орқа ўриндиқда ўтирганлар менимча синфдошлар экан шекилли, ҳазил-ҳузулларидан билиниб турарди. Ораларида икки нафар беш-олти ёшлардаги болакайлар ҳам бор эди. Бир пайт ҳалиги эркаклардан бири ёнидаги ўртоғининг тиззасида ўтириб кетаётган ўғлининг қулоғига нимадир деб шивирлади. Ҳалиги бола “ҳо, қани аввал чўзинг-чи, кейин” деб кулди. Эркак чўнтагини ковлаб пул чиқарди-да, “қани, аввал ҳамма эшитадиган қилиб бир сўк-чи, кейин бераман”, деб унга ишора қилди. Болакай эса... тап тортмай отасининг юзига қараб "ҳе, сенинг онангни..." деса бўладими. Ҳаммалари хохолаб кулиб юборишди.



Энди эса бошқа бир киши иккинчи болага қараб “қани, полвон бола, сенам жўрангга ўхшаб бир отангни сўкиб қўй” девди, у бирданига жиддийлашиб “йўқ, ҳеч қачон сўкмайман! Гуноҳ бўлади-ку!” деб жавоб берди. Бир зум орқадагилар жим бўлиб қолишди-да, кейин уни ўзларича сўроққа тутиб кетишди:”Ким айтди сенга гуноҳ бўлади, деб?” У бўлса кўзларини бир нуқтага қадаганича:

— Момом айтгандилар. Ким отасини ё онасини сўкса, худо урармиш! — деди.

Билмадим, ёши қирқларни қоралаб қолган синфдошлар ўзларининг бемаъни қилиқлари учун ҳали она сути оғзидан кетмаган митти болакайдан аччиқ жавобни эшитиб, мулзам бўлишдими, хуллас, манзил охиригача бирортаси миқ этмади...

Менга эса ўша болакайнинг “момом айтган эдилар” деган жавоби қаттиқ таъсир қилди. Чунки кўпчилигимиз энг беминнат тарбиячилар — кексаларимиз яъни нуроний отахону мунис онахонлар эканлигини ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз. Айниқса, бугунги ёш келин-куёвлар орасида “қайнонам қизини қайрайвериб жонимдан тўйдириб юборди, қайнотам бўлса ўғлини тергаш билан овора. Ундан кўра алоҳида яшаганимиз маъқул” деган гаплар қаёқдаю, “раҳмат сизга ойижон, отажон, дунё тургунча туринглар, невараларингизни ҳам бошини силаш насиб этсин” дея ўз ота-онаси (ёки қайнота-қайнонаси)-ни қучоқлаб, самимий миннатдорчилик изҳор этиш қаёкда?

Донишманд халқимиз билиб айтган-да: “Қариси бор уйнинг — париси бор”. “Сўкинма, қарғама, гуноҳ бўлади, сувга туфлама, нонни исроф қилма, ёлғон гапирма...” дея ҳар қадамда каттаю кичикни тергаб, имтиҳон қилиб тургувчи отахону онахонлар бизлардан ўзларининг буғдой сўзларини дариғ тутмаяптиларми, биз ҳам улардан ибрат олайлик.

“Отангни бир сўкиб қўй” дея гуноҳга ботгандан кўра, “отангни (онангни ҳам) бир ўпиб қўй» деб савобга қолган яхши эмасми?

**Майрам ШАРОПОВА,**
**Қашқадарё вилояти.**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## ОПАМНИНГ АРМОНИ...

«Опам қўлида норасида гўдаги билан бева қолиб кетди. Қизчам ўгайлик азобини кўрмасин, деб қайта турмуш қурмади. Нуридийдасини ҳеч кимдан кам қилмай, бўйига қараб кийдирди, кўнглига қараб едирди. Жамила ҳам онаси орзу қилганидай эс-ҳушли, хушрўй қиз бўлиб вояга етди. Опамнинг синфдош дугонаси жиянимни келин қилиш орзусида эди. У «беш ўғлимнинг биттаси сеники-да», дерди. Ўғлининг ҳам жиянимда кўнгли борлигини билардик. Армия сафида хизмат қилганида тез-тез хат ёзиб турарди. Афсуски, йигитнинг отаси «ўнта бўлса, ўрни бошқа, дугонанг бошқа жойдан ичкуёв қидирсин», деб рози бўлмади. Опам «зорим бору, зўрим йўқ», деди-ю лекин барибир кўнгли ўксиди. Йиллар оқар сув экан, опамнинг ҳам ёши бир жойга бориб қолди. Гоҳида армон билан «қайта турмуш қурмайман, қизимга яхши бўлади», деб унинг ўзини ҳам бахтсиз қилдим-ку», дея йиғлаб қолади. Қашқадарё вилоятида яшаймиз. Жиянимнинг ёши 41 да. Маълумоти ўрта-махсус. 47 ёшгача бўлган ўзига мос инсон топилса, деган умидда сизларга хат ёздим.

**Зубайда хола».**

## ҚАЙНОНАМ РОЗИ

«Маҳалламизда унча-мунчага сўзини бермайдиган Норбуви хола болалигимдан бошлаб «сени ўзим куёв қиламан», деб ҳазиллашарди. «Яхши гапга фаришталар омин дейди» деганлари ҳақ экан. Тақдирим қўшилиб, холанинг қизи Мукаррамга уйландим. Турмуш ўртоғим дунёда тенги йўқ аёл эди. Айниқса, онам «келинимнинг уй тутимидан кўнглим тўлади», деб мақтарди. Ўғилли бўлдик. Хотинимнинг уддабуронлиги, меҳрибонлиги туфайлими унинг айтганларини сўзсиз бажарардим. Наилож... пешонамга сиғмади. Мукаррамнинг умри қисқа экан. Бедаво дард туфайли оламдан ўтди. Қайнонам: «Қизимни олиб бормаган жойинг, кўрсатмаган дўхтиринг қолмади. Сендан розиман. Бизлар узса узилмаймиз, кесса кесилмаймиз. Ўртада неварам бор», дедилар. Мен жиянимнинг олдига Россияга ишлагани кетдим. Ўғлим қайнонамда қолди. Мана шунга ҳам уч йил бўлибди. Асли бухороликман, ёшим 45да. Маълумотим ўрта-махсус. Мени тушунадиган меҳрибон аёл учраса, ўғлимни ўзимга олиб, оила қуриш ниятидаман.

**Собир».**

## КАТТА ОИЛА БЕКАСИМАН

«Рустам билан техникумда ҳам, институтда ҳам бирга ўқиб, севишиб турмуш қургандик. Ота-онам вафот этгани учун, мени тоғам ҳеч кимдан кам қилмай узатганди. Рустам ёлғиз ўғил эди. Ота-онаси «бир фарзандимиз иккита бўлди, сиз бизнинг қизимизсиз», дердилар. Жуда аҳил-иноқ яшардик. Қизчам туғилди. Қайнота-қайнонам роса суюнишди. «Ўригидан данаги ширин», дея невараларини еру кўкка ишонмасди. Кўргулик экан.... Эрим оғир дардга чалиниб, беш кун деганда бизларни айрилиқ ўтига ташлаб кетди. Ичган ошимга кўз ёшим қўшилди. Қайта турмушга чиқмайман, дегандим. Қайнотам «қизим, ёш умринг хазон бўлиб, қайғу-аламда ўтсанг, бизлар гуноҳга ботамиз. Кўзимизнинг очиқлигида турмуш қургин», дейишди. Уларнинг жавдираган кўзларига қараб, унсиз дод солдим. Келинойим (тоғамнинг хотини) қўярда қўймай таҳририятга бошлаб келди. Ўзимдан олти ёш катта, хотини вафот этган, бир ўғил, бир қизли эркакнинг телефон рақамини беришди. Танишдик. Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, иймонли инсон экан. Қайнота-қайнонамга ҳам маъқул бўлди. Турмуш қурдик. Ҳозир катта оиланинг бекасиман. Раҳматлик хўжайинимнинг ота-онасини ҳам ёлғизлатиб қўймай, дуоларини олаяпмиз.

**Хосият».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**


# «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

# «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.**

**Ўқишга қабул ҳар куни**

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ **Машғулотлар амалиёти билан**
■ **Ётоқхона мавжуд**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

**Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.**
**Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.**



**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Web-site: oilavajamiyat. uz**

**E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 632. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 9440
Навбатчи — **Тамара ХУММАТОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**

**ISSN 2010–7609**

2 3 4 5 6 7 8 9